



# ИШОНЧ

30

1993  
йил  
24—30  
июль  
(123)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ БОШ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий кўмита раиси М. Жалилова Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва тармоқ қасаба раҳбарлари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган йўл-йўриқлар ва тармоқ қасаба уюшмаларининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Музокарада сўзга чиққан Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи З. Солихов, Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси раисининг ўринбосари А. Хидоят, Самарканд вилояти маданият ходимлари қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Т. Сафаров, Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитаси раиси муовини Р. Ҳакимовлар маданият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, халқ усталари фаолиятига эътиборни ошириш, таълимий обидаларни асраб-авайлаш бўйича гапирдилар. Мажлисида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

Термизда Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда «Республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан вилоят қасаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда Сурхондарё вилояти хокими Ж. Норалиев маърузаси тингланди.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини Қ. М. Рафиқов, вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси Х. Шарофутдинов сўзга чиқдилар.

БУХОРО вилояти қасаба уюшмалари Кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг қасаба уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқи асосида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш юзасидан вилоят қасаба уюшмалари фаолиятини такомиллашти-

риш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда кенгаш раиси Ш. К. Хайруллаевнинг маърузаси тингланди. Кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Мажлисида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова, Бухоро вилояти хокими Д. Едторов нутқ сўзладилар.

Ўзбекистон матлубот шirkати, умумий овқатланиш ва савдо ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитасининг яқинда бўлган мажлисида Марказий кўмита раиси Т. О. Кобулова маърузасида ва музокарада сўзлаганларнинг нутқларида ҳаёт тарзини аввало иқтисод ҳал этиши, савдо, матлубот ва таъминот иқтисодиётининг асосини ташкил қилиши ишончли далиллар асосида тилга олинди. Бу омилар республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда тармоқ қасаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Яқдиллик билан қабул қилинган қарорда ҳам бу долзарб вазифалар ўз ифодасини топди.

Мажлисида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова нутқ сўзлади.

## Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонида биноан Саидмухтор Саидғозиевич Саидқосимов Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири этиб, ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаб келган Содиқ Солиҳович Сафоев Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди. С. С. Сафоевга Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик даражаси берилди.

● **БУЮК БРИТАНИЯ** қироличаси Елизавета II нинг қизи малика Анна зоти олиялари республикамизда бир неча кун меҳмон бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов уни қабул қилди.

● **РАСМИЙ ТАШРИФ** билан республикамизга келган Э. Райнхард бошчилигидаги Германия Бундастаги делегациясини мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошевлар қабул қилдилар. Учрашувда кўпгина соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга келишиб олинди.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗ** Президентига БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Халид Башир Малик ишонч ёрлиғи топширди.

● **РЕСПУБЛИКА** ҳукумати 1993 йил 20 июндан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларининг айрим турлари бўйича ижтимоий (эркин) харид ва чакана нархларга ўтишга қарор қилди.

● **ТОШКЕНТ ШАҲАР** хокими А. Фозилбеков пойтахтнинг илғор ёшлари ва уларнинг вакиллари билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов нутқ сўзлади. Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Жиззах ва бошқа вилоятларда ҳам вилоят ҳокимлари билан шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

● **БОЗОР** муносабатларини ривожлантириш, бозорга хизмат кўрсатувчи тармоқларни такомиллаштириш, кичик ва ўрта тадбиркорликка таъсирчан моддий ва молиявий ёрдам беришни кучайтириш мақсадида мамлакатимиз Президенти «Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этиш тўғрисида» Фармон чиқарди.

● **ТОШКЕНТДА** ўтказиладиган халқаро театр фестивалига «Средаз-электроаппарат» илмий-ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳомийлик қиладиган бўлди.

● **ТОШКЕНТДА** халқаро Д. А. Қўнаев хайрия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси бўлими очилди. Ушбу тадбирга бағишлаб ўтказилган маросимда қўшни Қозоғистон республикасида келган халқаро хайрия жамғармаси вакиллари, адабиёт ва санъат намоёндалари иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗ** пойтахти Тошкентда шу йил бокс бўйича халқаро мусобақа бўлади. Унда спортчилар «Мустақил Ўзбекистон кубоги» учун куч синашадилар. Кубок мусобақалари 4 октябрдан 10 октябргача «Алпомиш» спорт саройида ўтказилади.

## ДАЛА ФИДОЙИЛАРИ

ҚИШЛОҚДА тонг-сахардан дала ишлари бошланади. Кўм-кўк гўза ниҳолларининг бағрига шамол тегиб, кечагидан бугун хиёл бўйи чўзилиб қолгандек, шаббодада майин-майин тебранишади. Колхозчи қизлар ширин уйқуни тарк этиб, эгат бошларини — тракторнинг «қадами» етолманган ерларни, тут қаторлари орасига экилган ниҳолларни чопиқ қилишади.

Бу йилги сел Фарғона вилоятининг Кува туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалиги аъзоларини ҳам катта синовдан ўтказди. 800 гектар пахта майдонининг 641 гектарига чигитни бир эмас, тўрт марта қайта экишга тўғри келди. Бу тўрт хисса меҳнат, тўрт хисса машаққат. Айниқса, 22 май куни бўлган сел шошириб қўйди. Ахир бу пайтда гўза ниҳоллари ягонадан ва бир-икки ишловдан чиқиб, нақ кўзни қувонтирадиган даражада яшнаб турарди. Булар эса ўша кучли сел ювган ерларга 28 май куни чигит доналарини қадаб бўлишди.


— Пахта — меҳнатни, фидоийликни севади, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ҳасанбой Қўчқоров, жамоа ахлини тўплаб, — бу ёғига қайта-қайта ишлов бериб, вақтида суғор-сак тез қундаёқ кечки экинлар ривожини олдинларига этиб олади.

Ҳасанбой Қўчқоров дехқондан аввало яхши муомиласини, зарур ёрдамни, маслаҳатини аямайди. Раҳбарнинг фидоийлигини, меҳрини кўрган дехқон тинч туради дейсизми? Қаранг-ки, Холмирза Усмонов, Махмудали Эрдон, Носиржон Тешабоев каби бригада бошлиқларининг ишбилгичлиги, гайрати, Усмонали Бакиров, Эгамберди Каримов, Абдубаннон Миржалолов, Маҳаматжон Алимқулов каби механизаторларнинг тиниб-тинчимаслиги туфайли қайта экилган майдонларнинг гўзалари ҳам текис шоналай бошлади. Гулга кирди.

Бу йил «Бўстон» жамоа хўжалиги аъзолари ҳар гектар ердан 32,8 центнердан жами 1970 тонна пахта топширадилар. Режани ошириб бажаришса, 20 фоиз пахта ўз ихтиёрларига қолади ва уни сотиб, хўжалик аҳолисининг маданий-мансий шароитини яхшилашга сарфлайдилар. Улар ўтган йили кичик қорхона ташкил этиб, хўжалик боғларида етиштирилган мевани қайта ишлаб Новосибирскга жўнатдилар. Эвазига газ қувурлари олишди. Ана шу қувурлар билан ҳозиргача икки минг хўжаликка газ олиб келинди. Яна иккита кичик қишлоққа ҳам газ келади.

...Кун иссиғида уйларида дам олиб тиниқдан миришқор пахтакорлар кечки салқинда яна далага чиқдилар. Дехқон меҳридан, саховатидан баҳра олган кўм-кўк ниҳоллар ҳосилга кириб бораверади.

Ўйнат МАХМУДОВА.



Ҳорманг, сувчи йигит!

Ўз ишини сидқи-дилдан адо этаётган жаззахлик мироб Одижон Раҳмонов Пахтакор туманидаги «Навбахор» давлат хўжалигида меҳнат қилади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



Зафаробод пахта тозалаш заводи (директори Аллаёр Саримсоков, касаба уюшма кўмитаси раиси Милтиқбой Қиличев) меҳнат жамоасида соғлом вазиёт яратилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ишчиларга қулай маданий-маиший шароитлар яратиб беришган. Бу ерда сауна, ҳаммом мунтазам ишлаб турибди. Ишчилар ошхонасида ҳар хил лаззатли таомлар тайёрланапти. Тушлик овқат сарф-харажатларининг тенг ярмини маъмурият ўз ҳисобидан қоплаб келаяпти. Завод худудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бутун жамоанинг жонажон ишига айланган. Ишлаб чиқариш эстетикаси ҳам эътибордан четда қолмаган. Яхшилаб созланган технологик линияларнинг соат механизмидек аниқ ишлаши туфайли атроф-муҳитнинг мўътадиллиги тўла таъминланган.

Корхона маъмурияти ҳамда бош мутахассислар заводда капитал таъмирлаш ишлари давом этиб турган мавсумда олдинги муҳлатдан самарали фойдаланишган. Худди ўша кунлари пухта ўйлаб тузилган дастур асосида ўқитилган ишчиларнинг ҳаммасига махсус гувоҳнома берилган.

Меҳнат муҳофазасига ва техника хавфсизлигига бош масала сифатида қараб келинаётганлигини лоқал ишчиларнинг қоржомга, шахсий ҳимоя воситалари билан тўла таъминланганлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Техника хавфсизлиги хонаси ҳамда бурчаклари дид билан безатилиб, тегишли плакат, қўлланма, адабиётлар билан тўла таъминланган. Юқори кучлинига эга бўлган электр симлари келиб тушган шкафларга мустаҳкам тўсиқлар ўрнатилган. Электр қуввати билан боғлиқ бўлган юмушларга бевосита алоқадор ишчилар пухта ўқитилган. Улар билан шу кунларда ҳам мунтазам тарзда машғулотлар ўтказилаяпти. Зотан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларга барҳам берилганлиги ана шу ишларнинг шарофати туфайлидир.

Жамоа шартномасининг бажарилиши тўғрисидаги масалани касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишида бир йилда икки марта муҳокама этилиши бу ерда яхши анъанага айланган. Шартнома шартларининг бажарилишини маъмурият ва касаба уюшма кўмитасидан қатъий талаб қилиш одат тусига кирган.

Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг бутун меҳнат жамоасига зўр чидам, сабр-тоқат билан дам-бадам тушунтириб берилаётганлиги фойдадан ҳоли бўлмапти. Ўтган йил мобайнида бирор ишчи ёки хизматчидан касаба уюшма кўмиталарига ёхуд юқори ташкилотларга шикоят ёки ариза тушмаганлиги фикримизнинг исботидир.

Пахтақор ва Акмал Икромов номли пахта тозалаш заводлари (директорлари Фозил Худойқулов, Иброҳим Абдуазимов, касаба уюшма кўмиталарининг раислари Эркин Тошназаров, Бахтиёр Омонов)да ҳам ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, серфарзанд ва кам таъминланган оилаларга, яққаю ёлғиз кексаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб бориш, Улуғ Ватан уруши, меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчиларга ғамхўрлик қилиш, унумли ва хавф-хатарсиз ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, жамоа шартномасидаги ижтимоий-иқтисодий тадбирларни ўз вақтида тўла-тўқис амалга оширишга ҳаракат қилинапти.

Афсуски, зўр ҳафсала билан оқланган сара шолининг ичидан ҳам курмак чиқиб қолар экан. Учтепа пахта тозалаш заводи (директори Жўракул Дўстмуродов, касаба уюшма кўмитаси раиси Ваҳоб Пулатов)га кадам ранжида қилган киши ўзини мутлақо бошқа китъага тушиб қолган одамдай ҳис этади. Қорхонага қарашли иккита қабул пунктининг бири Хамрокул Носиров номли давлат хўжалигида, иккинчиси завод худудидан жойлашган. Мавсум пайтида ҳар қайсида 70—80 нафар одам ишлайдиган ҳар иккала қабул пунктида аҳвол ниҳоятда ачинарли. Юмуш соатлари тугаганидан кейин кун бўйи обдон чангга ботган ишчилар ювиниб олиш имкониятидан мутлақо маҳрум. Тушки овқатдан кейин лоқал бир лаҳза истироҳат қиладиган жой ҳам йўқ. Қорхона раҳбарларининг кўз олдида-

ялтирок, ичи қалтирок аппаратлар аланга у ёқда турсин, ҳатто чилимининг кўрини ўчиришга ҳам ожиз. Технологик линияларнинг яхши созланмаганлиги оқибатида цехларда кўтарилаётган чанг-тўзон чўли биёбонда осмони фалакка кўтарилган кучли қуюнни эслатади. Станокларга тегишли тўсин ўрнатилмаганлиги, ишчилар махсус қоржомга билан таъминланмаганлиги бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли бўлмаган хатарли омилга айланган. Ишлаётган аёлларга сочларини турмақлаб олиш, рўмол ўраш зарурлиги уқтирилмаган. Пахта толасини тойлаш механизмларининг соз-носозлиги белгиланган муддатда текшириб турилмапти.

Учтепа пахта тозалаш заводида табиатингизни хира, дилингизни хуфтон қиладиган аянчли аҳвол ишчи-

ишчилар на ўқитилган, на табиий кўриқдан ўтказилган.

Ульянов пахта тозалаш заводи раҳбарлари (директори А. Дўстназаров, касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ш. Ўсканов) ҳам меҳнат аҳлига шарт-шароитлар яратиб бериш, ишчиларнинг ҳаётини муҳофаза этиш, соғлигини мустаҳкамлашдан иборат бурчларини унутиб қўйганга ўхшайдилар. Қорхона ховлиси ва цехлар ифлос. Асбоб-ускуна ҳамда механизмларнинг соз-носозлиги кўриб борилмайди. Иш юритиш, хужжатларни расмийлаштириш, ишчиларни ўқитиш, уларга махсус гувоҳномалар бериш ўлда-жўлда. Маъмурият ишчиларни махсус кийимлар ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашни унутиб қўйган. Техника хавфсизлиги муҳандиси Рашид Худоёров ўз хизмат вазифаси нимадан иборат эканлигини билмайди.

Пахта саноати ва пахта маҳсулотларини сотиш давлат акционерлик бирлашмасига қарашли бош устахона ишида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Енилги, мойлаш материаллари сақланадиган манба ўт ўчириш воситалари, асбоб-ускуналари билан жиҳозланмаган. Транспорт ва механизмлар сақланадиган жой ночор аҳволда. Эрталаб дарвозадан чиқиб кетаётган автоуловларнинг техник ҳолати текширилмайди. Хайдовчиларни сафар олдидан тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилмаган. Ҳаракат хавфсизлиги учун бевосита жавоб берадиган масъул шахс тайинланмаган.

Давлат акционерлик бирлашмаси (раиси А. Ортиқметов, бош муҳандис Б. Мансуров) раҳбарлигига ҳам конкрет тақлифларимиз бор. Бирлашма жамоаси, хусусан унинг тегишли мутахассислари ҳамда хизмат ходимлари Зафаробод, Пахтақор, Акмал Икромов пахта тозалаш заводларининг иборатли ишларини чуқур ўрганиб, умумлаштириб, бошқа қорхоналарга кенг ёйиш чора-тадбирларини белгилаш, шу масалага бағишлаб пахта тозалаш саноати ходимларининг вилоят семинар-кенгашини уюштириш тўғрисида ўйлаб кўришса фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Вилоят бирлашмаси меҳнат хавфсизлиги (бошлиғи Ж. Қўлдошев) ҳамда ёнғин хавфсизлиги (бошлиғи М. Эштемиров) бўлимлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, қорхона раҳбарлари ҳамда мутахассисларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, назоратнинг доимийлигини таъминлаш талаб қилинади. Бош механик Э. Назаров, бош энергетик А. Бойганусовлар ишини тубдан ўзгартириш, унинг қўлами, таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишга эришиш лозим. Шундай қилинган тақдирда бирлашмага қарашли бўлимлардаги бахтсиз ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг анча камайишини таъминлаш мумкин.

Зотан, фақат ўтган йилда пахта тозалаш заводлари ҳамда қабул пунктларида 17 марта ёнғин чиқиб, салкам 10 тонна пахтанинг куйиб қолганлиги, ишлаб чиқаришда 6 та бахтсиз ҳодиса рўй бериб, Учтепа пахта тозалаш заводида содир бўлган кўнгилсиз воқеа битта фуқаровнинг ёстигини қуритганлигидан тегишли хулоса чиқариб олиш зарур.

**Рауф САНГИЛОВ,**  
Касаба уюшмалари Жиззах вилояти кенгаши давлат бош техника инспектори,  
**Алибой ЭРГАШЕВ,**  
«Ишонч»нинг Жиззах вилояти бўйича мухбири.

## ЮТУҚЛАР КЎПМИ, НУҚСОНЛАР

*Жиззах вилояти пахта саноати ва пахта маҳсулотларини сотиш давлат акционерлик бирлашмасига қарашли илғор пахта тозалаш қорхоналари маъмуриятлари билан касаба уюшмаси кўмиталари бир ёқадан бош чиқариб, иноқ ва ҳамжихатлик билан ишлаб келаётганликлари туфайли ишчи, хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш юзасидан бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Мазкур жамоаларда меҳнат қонунчилигига қатъий ва оғишмай амал қилинапти. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш, ишчиларнинг унумли меҳнат қилиб, кўнглини ҳордиқ чиқаришлари учун қулай маданий-маиший шароитларни муҳайё этишга жиддий эътибор берилаяпти.*

ги қабул пунктида хўжасизлик авжига чиққан: дехқоннинг ҳалол меҳнати заррача қадрланмаяпти — завод ховлисининг бошидан адоғигача сочиллиб ётган оппоқ пахта, машина, трактор филдираклари одамларнинг оёқлари остида поймол этилаяпти. Увол бўлади деган тушунча уларда йўқ.

Ишчиларга маданий-маиший шароитлар яратиб берилмаганидан ташқари техника, меҳнат, ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилмаган. Завод раҳбарлари, мутасадди кишилар давлат қорхонаси ва ишчиларнинг ҳаётини кўз қорачиғидай асраш учун жавобгар бўлган масъул шахсларни эмас, балки, борадиган манзилдан адашган йўловчиларни эслатади. Ердан 4—5 метр баландликда ишлаб, бунт урадиган одамлар энг аввало махсус дастур бўйича ўқитилиши, қоржомлар билан таъминланиши шарт эди. Ваҳоланки, униси ҳам, буниси ҳам қилинмаган.

Электр қуввати билан ишлайдиган двигателъ, асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт чоралари кўрилмаганлиги, ёнғин чиқиб эҳтимоли ишчиларнинг ҳаётига ҳар дақиқада таҳдид солиб турибди. Ёнғинни ўчириш мақсадида қурилган ховуз қаровсиз ташлаб қўйилганлиги оқибатида жуда ифлосланган. Электр қуввати билан ишлайдиган моторларнинг пала-партиш ўрнатилганлиги устоз кўрмаган шогирднинг хом-хатала қилган ишига ўхшайди. Моторга уланган кабелъ ховузнинг сувига чўкиб турибди. Қора тугма (кнопка)ни босган захоти нақд ажалнинг ўзига айланади.

Ёнғин чиқиб хавфи ўта кучли бўлган қорхонада атиги иккита ўт ўчиргич (огнетушитель) мавжуд. Усти

ларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминланмаганлиги, касаба уюшмалари тўғрисидаги қонуннинг жамоанинг кундалик иш дастурига айланмаганлиги, шартномадаги тадбирларнинг қоғозда қолиб кетаётганлиги қорхона директорини ҳам, касаба уюшма кўмитаси раисини ҳам сира ташвишлантirmаяпти. Бу ерда иш шу тахлитда кетаверса ишчилар улардан юз ўгириши ҳеч гапмас.

Дўстлик пахта тозалаш заводи (директори Наби Умаров, касаба уюшмаси кўмитаси раиси Александр Ряшин)даги камчиликлар Учтепадаги заводдан кўп бўлса кўпик, асло кам эмас экан. Қорхона тасарруфидеги 4 та қабул пунктининг ҳар қайсида 110—120 нафар киши ишлайди. Ҳаммасида бир хил манзара ҳукмрон. Жумракли қўл ювгич анқоннинг уруғи. Ҳатто қўл ювиш учун сув танқис. Ётоқхоналарда аҳвол хароб. Ишчилар қўлбола иситувчи мосламалардан фойдаланишмаяпти. Бу ерда мавжуд санитария ва техник паспортлар тўлдириб борилмаяпти. Цехларда ёруғлик микдори анча кам, чанг-тўзон қўлами нормадагидан бир неча баробар ортик. Ҳавони тозалагич асбоблар созланмаганлиги оқибатида ҳаммаёқни пахтанинг гарди босиб кетган. Бу нарса биринчидан инсон саломатлигининг ўткир эғови бўлса, иккинчидан теварак-атрофда ёнғин чиқибса олиб келадиган офатдир.

Меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш умуман унутиб қўйилган. Асбоб-ускуна, механизмларга тўсиқ ўрнатилмаган. Масъулиятсизлик шу даражага бориб етганки, пахта тозалашдек оғир юмуш билан банд бўлган

гайтирилди. Табиийки, ишчилар сони ошди.

Тарқиб топган янги касаба уюшма вилоят кўмитаси бу соҳа кишиларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, иш шароитлари яратишда бош кўмақчи бўлиш ниётида дунёга келди.

Кўмитанинг биринчи таъсис конференциясида изланувчан, ташаббускор ходим Баҳром Қурбонов тармоқ кўмитаси раиси қилиб тасдиқланди.

\* \* \*

### АХБОРОТЛАР

«Ишонч» мухбирлари хабар қиладилар:

● **АНДИЖОНДА** тармоқ касаба уюшмаси кўмиталари яна биттага кўпайди. 18 та қорхонадаги 13 минг касаба уюшма аъзосини ўз ичига олган энергетика ва электротехника саноати ходимлари касаба уюшмаси тарқиб топди.

Мустақил республикамиз ўз худудидан электр товарлари ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезмоқда. Бу эса шундай қорхоналар ишини такомиллаштириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кўпайтиришни тақозо этади. Шу мақсаддаги ҳаракатлар Андижонда алақачон бошланиб, бир пайтлар бир-икки цехли филиал ҳисобланган Марҳамат электро-техника қорхонаси, Қорасув кичик кучли ишчи ускуналар заводи мустақил иш юрити бошлади. Иш услуби кен-

Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида Олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари ва ўқувчиларининг самарали таълим-тарбия олиши учун ижтимоий томондан шароитлар яратишда ўқув

юрти касаба уюшмалари кўмиталарининг маъмурият билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан кўмита раиси С. Зоиров маъруза қилди.



Хоразм вилоятида шундай меҳнат жамоалари борки, улар амалга ошираётган ишлар ҳақида фақат яхши гапларни айтиши мумкин, холос. Ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай жамоалардан ҳисобланади. Бирлашма маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти кучли ижтимоий сиёсат юргизиш ишчи-хизматчиларнинг ютуқлари, даражаси ва таълимлари шундай бўлмоқда. Самарали меҳнатни рағбатлантириш билан бирга мушкул аҳволда қолганларга мадад бериш йўлидан борапти.

...Одатдаги ишлаб чиқариш жараёни давом этмоқда: ҳамма ўз иш ўрнида. Яхши кайфиятда уйдабуролик билан қилинган аниқ ҳаракатлар юксак самарадорликни таъминламоқда. Бунинг боиси нимада? Мазкур саволга жавобни бирлашмага эндигина ишга қабул қилинган ёш ишчи ҳам, тажрибакор бошқа инсонлар ҳам топади. Бирлашманинг барча бўлимларида ишчилар манфаати устуни қўйилганлигини сезасан. Ипакчилар эрталаб чой ичиб-ичмай ишга шошилиш, автобус кутиб ёки унга мингандан кейинги тикилинчдаги асабийлашув каби машаққатлардан ҳалос этилганлар. Махсус ажратилган автобус уларни ҳар куни уйларида тўппа-тўғри ишга олиб келади. Улар аввало ошхонада нонушта қилиб сўнгра ишни бошлайдилар. Шу мақсад учун корхона ҳисобидан кунига ҳар бир ишчига 45 сўмдан, тушлик учун эса 75 сўмдан маблағ ажратилмоқда. Нарх-навонинг ўсишига қараб ана шу пул миқдори кўпайтириляпти.

зарурий истеъмол моллари нархи кўтарилиб бораётган даврда бирдан-бир тўғри тадбирдор.

Амалга оширилаётган ишлар ишчиларнинг бозор иқтисодиёти ларзаларидан муҳофаза этилаётганлиги ўз навбатида иш сифати ва самарадорлигини оширишга ижобий таъсир ўтказмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийиб 400 минг сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи ўн беш минг сўмдан ошди.

Лекин ишчиларнинг меҳнатларида иш ҳақи тўлаш ана шу ўн беш минг ёки 20 минг билан қифояланмайди. Жамоа шартномасида илгари сурилган вазифаларга мувофиқ берилаётган ёрдамлар, яратилаётган имтиёзлар туфайли унинг кўлами анча кўпаяди. Аввало меҳнат таътили узайтирилиб, 18 кундан 24 кунга етказилди. Унга тўланадиган ҳақ ва моддий ёрдам миқдори кўпайтирилди. Ўтган йили тунги сменада ишлаганларга

## ИШЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан белгиланган барча вазифалар бирлашма маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномасида аниқ кўрсатилган. Ижтимоий муҳофаза масалаларига бу йил ўтган йилгидан деярли уч баравар кўп маблағ ажратиш мўлжалланган.

— Жамоа шартномасида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилаётганлигини вақти-вақти билан муҳокама қилиб борамиз,— дейди корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Р. Маткаримов.— Бизда ҳар йили шундай бўлади. Жамоа шартномасини тузишда бундан ишчи-хизматчилар қатнашадилар. Зарур иш шариоати яратишдан тортиб дам олишгача, турар-жой куриш, фарзандлар ўқини тарбияланиши, ишчиларнинг саломатлигини сингар масалалар, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари жамоа шартномасида ипидан-игнасигача алоҳида кўрсатилган.

Шартномага мувофиқ ишчиларга зарур иш ва дам олиш шариоатлари яратиб бериляпти. Ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож бирон киши ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Раъно Қутлимуродовани олиб кўрайлик, ажойиб илғор ишчи эди. Тасодиф юз бердию дастгоҳ олдида тан жароҳати олди. Унга марказий шаҳарларда даволаниши учун барча шарт-шариоатлар яратиб берилди. Аммо биз меҳнат ногирони бўлиб қолган сафдошимизни унутганимиз йўқ. Ҳолидан ҳабар олиб турибмиз.

Еки сантехник бўлиб ишлаган Раҳим Сафоевни олайлик. У оламдан ўтиб беш боласи билан хотини бева қолди. Унинг ҳар боласи учун корхона ҳисобидан ойига 500 сўмдан нафақа тўланапти. Булар пул кадрсизланиб

кўшимча равишда 911 минг сўм берилди. Иморат қурувчиларга ўн беш минг сўм, пенсияга чиққанларга ўн олти минг сўм миқдоридан ёрдам кўрсатилди. Йил мобайнида касаллик варақасига чиқмай ишлаётганларга 155 минг сўм пул ажратилди.

Ишчиларнинг болалари боғчада бепул тарбияланапти. Шу ерда ишлаб пенсияга чиққан ёлғиз кишилар, боқувчисини йўқотганларга коммунал ва маншй хизматлар ҳам бирлашма ҳисобига амалга оширилмоқда.

— Республикаимиз Президенти таъкидлаганидек, янги ижтимоий муносабатларга ўтиш осон кечаётгани йўқ,— дейди бирлашма бош директори П. Сафаров — юзага келган вазият кучли ижтимоий сиёсатни, муҳофаза тадбирларини изчил амалга оширишни тақозо этмоқда. Биз шу йўлдан бораёмиз. Аммо бу талаб-кўрсатмани бир ёклама тушунмаслигимиз керак. Айтмоқчиманки, кўрилатган тадбир одамларда лоқайдлик, ҳўжасизлик туйғулари гизак отишига олиб бормаслиги лозим. Бир мисол. Биз ишчи-хизматчиларимизнинг уй-жойига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида давлатдан уй сотиб оляпмиз, жамоа аъзоларига эса бепул беряпмиз.

Жамоа аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳақида гап кетганда улар учун иш ўринлари яратиш хусусида ҳам тўхталиш лозим. Бу ерда кейинги вақтларда иш ўринлари кўпайтириляпти. Корхона ҳузурида пиланинг паст навлари толасидан шойи тўкиш йўлга қўйилди.

Хуллас, корхонада инсон манфаатлари устуни қўйилапти. Бу ютуқлар гарови бўляпти.

Шихназар АҲМЕДОВ,  
Олабберган РАЖАБОВ.




Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Қорасув» давлат хўжалигида бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Унда пилез теришда илғор бўлаётган Зохидон Сулаймонова. Чапда эса 6-бригада бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати, тажрибали деҳқон Шавкат Нуриддинов.



Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

## ЕРУҒЛИК ТОМОН БОРАЯПМИЗ

АНДИЖОН вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси меҳнаткашларни соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва табиатни ҳимоя қилиш доимий комиссияси раиси Саидқабар Зайнобиддинов билан суҳбат.



— Халққа ғамхўрлик деган ибора ҳар бир масъул вазифалардаги одамлар учун асосий иш бўлиб қолди. Шуниси борки, халққа ғамхўрлик деган сўзни эшитганда кўпнинг кўз ўнгига энг аввал касаба уюшмалари келади. Касаба уюшмалари кўмиталарининг асосий фаолияти ҳам шуну тақозо этади. Буни Сиз қандай шарҳлайсиз?

— Чиндан ҳам бизнинг халқимиз ўта меҳнаткаш. Лекин ўзи ҳақида кўпам қайғуравермайди. Назарида ўзи ҳақида ўйлай деганда бир этак боласи, чала иморати, рўзғоридаги анча-мунча тақчилликлар халақит беради. Агар биз эл соғлиғи ҳақида ўтган йилларда ўйланмадик десак адолатсизлик бўлади. Касаба уюшмаларида ўша йилларда ҳам дам олиш уйи ва санаторийларга йўлланмалар кўп бўлган. Ҳар йили Қрим, Сочи, Қисловодск томонларга жомадон кўтариб йўл олган юртдошларимиз кўп эди. Лекин ҳали айтганимдек бир этак болали, рўзғори тақчилроқлар йиллик таътилида бола-чакаси билан лой қориб гувала қуйиб, иморат кўтариб ёки йикан-терганини жамлаб тўй қилиб ўтаверган. Ҳатто касаба уюшма кўмита раислари йўлланма тавсия қилганида ҳам олмаганлар кўп бўлган.

Хўш, ўша ҳозиргидан хийла арзончилик маҳалда бормаган меҳнаткаш бугун қандок боради? Лекин бориши керак. Шарт. Ахир киши организми ҳам, йилда ҳеч бўлмаса икки йилда бир марта муолажага муҳтож бўлади. Эл саломатлиги — юрт бойлиги деганимиз бежиз эмас-ку. Биз ишлаётган доимий комиссиянинг кейинги уч йилдаги асосий фаолияти шунга қаратилди. Нима қилиш керак? Имкон борича ўзимиздаги мавжуд баҳаво жойларда дам олиш оромгоҳлари куриш керак бўлди.

Ўша 1980 йилда Андижон вилоятида 8 та саломатлик маскани бўлган бўлса, ҳозир 19 тага етди. 1992 йилда 22 мингдан зиёдрок фуқаро сихатгоҳ ва дам олиш уйларида дам олиб қайтган бўлса, шундан 16 минг 648 нафари Андижондаги даволаш масканларида бўлди. Бугунги кунда марказий шаҳарларга боришнинг ўзи осон эмас. Лекин у жойлардаги шарт-шариоатларга қизиқиш яхши. Демак ўзимиздаги санаторийларнинг хизмат даражаси ва шарт-шариоатларини тубдан яхшилаш, бунинг учун маблағни аямаслик керак, деб ҳисобланди. Вилоятдаги «Текстильщик», «Андижон», Тиллар педагогика олий билимгоҳи, Тикувчилик бирлашмаси ихтиёридаги санаторий-профилакторийларимиз ҳозир менман деган марказий сихатгоҳлардан қолишмайди. Ип-газлама ишлаб чиқариш ва тикувчилик бирлашмалари сихатгоҳларида ҳатто кўчма шиклар ишлаяпти. Яъни жойларга чиқиб ходимларни даволаб қайтади шифокорлар. Шундан бўлса керак, касаба уюшмаларида ҳозир вилоят сихатгоҳларига йўлланмалар туриб қолмаяпти.

Ҳарбийга кетаётган ёшлар ҳақида ҳам анча ҳаракатлар бошлаганимиз. Ўтган йили уларнинг шифокор кўригидан ўтишини комиссиямиз назорат қилди. Ва кўриқдан «ўтмаган» 55 нафар йигитларни «Промэнергомонтаж» ва «Текстильщик» санаторийларига жойлаштирилиши таъминланди. Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси уларнинг муфассал даволаниши учун кўшимча 301 минг сўм ажратди. Энди бу тажриба ҳар йили давом этади.

— Йигитларимизнинг бақувват, ўктам бўлишларини ёшлиқдан бошлаш керак шекилли. Бу энди кундалик яшаш тарзи, доимий дам олиш, машғулотлар натижаси бўлса керак?

— Жуда тўғри. Бола қачонки ҳар тарафлама эътиборда бўлганида унинг соғлом, чиниққан бўлиши таъминланади. Бу боғча ёшидан, ҳатто илк гўдақлигидан бошланади. Аслида соғлом наодан соғлом фарзанд туғилади. Демак, бугун оналарга қилинган ғамхўрлик эртанги кунимиз ворисларига қилинган ғамхўрлик билан тенг. Бу бевосита иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилишга ҳам боғлиқ. Биз ҳар бир корхонада, аниқроғи ҳар бир ишчи ўрнида меҳнат шариоатлари ҳақида иш олиб боришимиз шарт. Яқинда Меҳнат муҳофазаси ҳақида Давлат қонуни қабул қилинди. Биттагина мисол келтирай. Андижон машина-созлик заводида ўтказган текширувларимиз вақтида бир неча жиддий камчиликлар аниқланди. Мураса қилиш мумкин бўлмаган бундай камчиликларнинг йўқотилишини қаттиқ талаб қилдик. Ахир носоз иш шариоати бахтсиз ҳодиса ёки ишчи ва хизматчиларнинг мунтазам касалликка учраши дегани-ку. Завод маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси бу борада анча тадбирлар ишлаб чиқди. Бир неча жавобгар раҳбарлар ўзгартирилди ҳам. Биласизми, биргина чўян қуйиш участкасидаги зарарли нимёвий мода ўрнига сув ва электр энергияси билан ишлайдиган тозалаш технологияси жорий қилинишининг ўзи ишчилар ўртасидаги беморлик варақаларига чиқини бир неча марта қамайтирган. Агар 1992 йилнинг биринчи чорагида заводда 18 та бахтсиз ҳодиса бўлган бўлса, 1993 йилнинг биринчи чорагида 5 та қайд этилди. Лекин кураш тўхтамайди. Биз учун биттаси ҳам кўп.

— Доимий комиссия ҳар куни корхонада бўлиши қийин. Демак...

— Албатта. Ўша жойдаги жавобгар шахсларнинг техника хавфсизлиги бўйича муҳандисларнинг назоратида туради бу. Лекин бир муаммо — маблағли мутахассисларга муҳтожмиз. Биз бу ҳақдаги фикрларимизни жамлаб, маҳаллий ҳукуматга таклифларимизни бердик. Яъни, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида алоҳида курслар ташкил қилинса яхши бўларди. Токи меҳнатни муҳофаза қилувчи штатларда шунчаки маош банд қилиш учун одам ўтирмасин.

Мен юқорида болалар саломатлигини асраш ҳақида гап бошлаб мавзудан четлаброк кетдим. Мактаб ёшидаги болаларнинг дам олиш ва саломатлигини тиклашлари ҳам доимий эътиборимизда. Мана лагерларда гулханлар ёқилди. Болалар оромгоҳларидаги шарт-шариоатлар учун алоҳида ходимларимиз шугулланипти. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг махсус фармони ҳам чиққан. Бундан ташқари баҳорги сел ва тошқинлардан азият чеқкан оилаларнинг фарзандларини вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси ҳисобидан бепул дам олдириляпти. Бунинг учун керакли маблағлар ажратилган, сметалар ишлаб чиқилган.

Ниятларимиз кўп. Эзгу мақсад билан иш олиб бораёмиз. Комиссиямизга келадиган мактубларда нола-лар бўлмаса деймиз.

— Тилакларингизга биз ҳам қўшилаёмиз.

Суҳбатдош: Замира РҶЗИЕВА.



## ДОНЧИЛАРНИНГ ИЛК ТАШВИШЛАРИ

**Б**АҒДОД дон махсулотлари комбинати қурилиши 1986 йилда бошланган эди. 1991 йил июнида унинг 1-навбати муддатидан 6 ой илгари ишга тушди.

Хозир комбинатда бир кеча-кундузда 250 тонна бугдой қайта ишланади. Ушанда бу улкан тегирмон билан бирга 18 минг тонна дон сақлаш элеватори, сув билан таъминлаш ва тозалаш иншоотлари, улкан қозонхона, комбинатни ўрта Осиё темир йўли билан боғловчи 8 чакирмил темир излар, ёрдамчи хўжалик бинолари ҳам ишга туширилган эди.

Комбинат пойдеворига қўйилган илк гишдан тортиб унинг ҳозирги қувватда ишлаш жараёнидаги барча ишларда моҳир ташкилотчи, ишбилармон муҳандис, ҳозирда комбинат директори Хошимжон Муллаев бош-қош бўлган.

— Қурилиш бошлангани йили Бағдоддаги 92-ПМКда мастер бўлиб ишладим,— дейди Хошимжон ака у кунларни эслаб.— Очиги, катта шаҳарлардагидек улкан дон комбинатини бизнинг Бағдодда бўлишини кўп ўйлардим. Биласиз, Фарғонада аҳоли зич яшайди, одамларга иш етишмайди. Шунинг учун комбинат қурилиши ҳақида айтишганда дарҳол унга бош-қош бўлишга розилик бердим. Аммо битгунча роса елиб-югурдик: зарур асбоб-ускуналарнинг, турли техник жиҳозларнинг, алоқа кабелларининг, 10 мингдан ортиқ таъминот қисмларининг буюртмачиси ҳам ўзимиз эдик. Қерағида тегирмонда ишловчи йигитлардан қурилиш бригадаси тузиб, ўзимиз ишга тушиб кетардик. Аҳолига янги иш ўринлари қанчалик зарур бўлса, ун ҳам шунчалик зарурлигини юракдан ҳис қилардик. Бир томондан замонавий комбинатга малакали мутахассислар топиш ҳам бизнинг зиммамизда эди. Айни ўша йиллари кўп жойларда малакали мутахассислар ўз юртларига қайтаётганди. Шунинг

учун эртани ўйлаш лозим эди. Иш орасида вақт топилди дегунча мактабларга бориб, 200 нафар бағдодлик ёшларни танлаб олиб, Тошкент, Бухоро ва Москвадаги технологик ўқув юртларига жўнатдик.

Мана ҳозир комбинатда 450 ишчи-хизматчи ишляпти, яъни шунча ҳам-юртим қорхона шарофати билан ишлик бўлди. Буни кўриб бошда кечирган кийинчиликларимиз ҳам унутилди.

## АВТОМАТИКА ШАРОФАТИ — КОМБИНАТНИНГ ДОВРУҒИ

— БАРЧА асбоб-ускуналар Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси лицензиясига кўра замонавий талаблар асосида тайёрланган,— дейди комбинат бош муҳандиси Маҳаматжон Ус-



монов,— шунинг учун бу ердаги барча ишлар, технологик жараёнларни механизмлар бошқаради. Бу эса ҳозирги иктисодий кийин шароитда чет эллардан олинаётган бугдойнинг бир мисқолини ҳам исроф қилишга йўл қўймайди. Мисол учун донни вагондан келтириш, тозалаш, оғбордан элеваторга элтиш, урни қоплаш, қоп оғзини тикиш, буларнинг барчасини сиқик ҳаво орқали автоматика бажаради. Фақат ун қопларини тахлаб қўйишдагина унга одам кўли тегади. Илгарилари аҳоли Москва ва Саратов унларини оғиздан қўйишмасди. Энди қаерга борманг Бағдод унидан сўрашади. Ҳа, аҳолига бундай аъло навли ун етказиб беришимизда замонавий техниканинг хиссаси катта бўлмоқда.

## ЁРДАМЧИ ТАРМОҚЛАР — ИШЧИЛАР МАДАДҚОРИ

УНЧИЛАР масканида бу соҳада ҳам кўплаб ибратли ишлар қилинаётган экан.

— Ишчиларга йил давомида бепул сут-қатик, байрамларда гўшт берамиз,— дейди бу ҳақда комбинат касабаси уюшмаси раиси Абдусит Турсунов.— Бунинг учун ёрдамчи хўжалигимизда 115 қорамол, 40 бош қўй, 10 бош от, 220 уя асалари боқилмоқда. Ёзда ишчиларга арзон нархда поллиз ва сабаот махсулотлари ҳам

етказиб берамиз.

Қорхонанинг «Ором» дам олиш масканида ишчилар учун чўмилиш хавзаси бўлган ҳаммом, физотерапия усулида турли даволарни олишлари учун барча шароит мавжуд. Бу ерда тез-тез турли адабий кечалар, учрашувлар, дам олиш тадбирлари ўтказилиб турилар экан.

Комбинат қошидаги ошхона таомлари ишчиларга арзон нархда сотилар, ишчиларга кунига 100 сўмдан овқат пули берилар экан. Ҳар бир ишчи учун алоҳида ечиниш шкафлари мавжуд бўлиб, душ, тиббиёт маркази ҳар уч сменада ҳам бирдек ишлаб тураркан.

Ишчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун комбинат ҳисобидан «Гулистон» посёлкасида 10 гектар ер олиниб, у ерда 24 та уй-жой битказилибди, ёзда қурилатган 23 ховлилик коттежнинг 13 таси битказилиб, ишчиларга берилар экан.

Ишчиларнинг ўртача ойлиги йил бошидаёқ 7000 экан. Масалан, шу

йилнинг 1 чорагининг ўзида ишчилар 3 марта мукофот пули олишибди. Сабаби барчага аён: биргина март ойида комбинатда режадагидан 570 тонна ун ортиқ ишлаб чиқарилган.

Шу кунларда комбинат қошида янги боғча биноси, чойхона ва магазин қурилатган бўлиб, уларни Республикамиз мустақиллигининг 2 йиллиги кунини ишга тушириш режалаштирилди.

## ОЙДИН ЙЎЛЛАР

ҚЎШНИНГ бой бўлса, сояси сенга ҳам тушади, дейди халқимиз. Комбинатнинг ишга тушиши бағдодликларнинг бахти бўлди. Тумандаги бирор эзгу тадбир йўқки, унда унчиларнинг хиссаси бўлмасин.

Комбинатда икки марта хайрия шанбалиги ўтказилди. Тушган маблағга қорхонада ишлаб кетган оилаларнинг 11 фарзандига суннат тўйи қилиб берилди. Болаларнинг ҳар бирига мақсадли омонат дафтарлар очилиб, 7.370 сўмдан пул қўйилди. «Ўғилларим 11 тага кўпайди,— дейди Хошимжон ака бу ҳақда,— хали улар 18 га тўлганда миллионерга айланишади». Тўй куни болаларнинг қариндош-уруғлари ҳам таклиф этилди, болаларга берилган совға-саломлар, кийим-бошларни айтмаса ҳам бўлади.

Ўша куни комбинат жамоаси шу ерда ишлайдиган 4 йигит — Мунавваржон Дехқонов, Нишонбой Отажо-

нов, Илҳомжон Алиев ва Маъруфжон Кенжаевларнинг никоҳ тўйларини ҳам ўтказишди. Келин-куёвларга 10 минг сўмдан тўёна берилди. Тумандаги 100 та камбағал хонадонларга бепул гўшт, ёғ, ун, гуруч, совун тарқатилди.

Хуллас, комбинат раҳбариятининг касабаси уюшмаси қўмитаси билан биргаликда амалга ошираётган хайрия тадбирларининг сон-саногини йўқ. Сўнгги вақтларда меҳр-шафқат жамғармасига ўтказилган 180 минг сўм, туман ногиронлар уйига берилган 50 минг, бу йилги Наврўз фондига туҳфа қилинган 50 минг, тожикистонлик қочоқларга тарқатилган 2 тонна ун шулар жумласидандир. Комбинат хизмати ила яқинда Бағдоддаги нон цехи қайта тикланди. Икки йилдири туманининг «Бағдод ҳаёти» рўзномаси ҳам комбинат хомийлигида. Бу йилги футбол мавсуми арафасида тарқалиб кетиш хавфи бўлган биринчи табақада муваффақият билан тўп суришаётган «Бағдодчи» жамоасини ҳам унчилар ўз қарамоғларига олишди.

Бу ишларни айтишга осон. Хошимжон Муллаевдек ишбилармон, тадбиркор, кўнгли эзгуликка тўла одам комбинатга бош бўлмаганида бу ишларни, эзгу тадбирларни барчасини қилиб бўлармиди, билмадим...

## ХОШИМЖОН АКАНИНГ ОРЗУСИ

«МЕНИНГ орзум — жамоамиз орзусидир,— дея гап бошлади у бу борада,— аввало «Ишонч» газетаси орқали халқимизга ҳамisha тинчлик, осойишталик тилайман. Қийинчиликлардан соғ-омон чиқиб, мустақил Республикамиз равнақи учун меҳнат қилаверайлик!


Комбинатимизнинг оёққа туриб олишида бизга Ўзбекистон Дон махсулотлари концерни катта ёрдам қилмоқда.


Боя муаммолар тўғрисида сўрадингиз. Ахир у қаерда йўқ?! Биз ҳозир кепакни хом ашё сифатида сотаяпмиз. Агар уни омухта ем қилиб ишлаб чиқарсак яхши бўларди. Ахир ем кўпайса, гўшт, тухум, суг-қатик, сарийғ сероб бўлади-да. Бунинг учун комбинатнинг 2-навбати «Омухта ем заводи»ни қуришимиз зарур. Бунинг учун 80 фоиз асбоб-ускуналар келтирилган. Лекин пул кадрезиланиб, нарх-наво ошиб, ушбу қурилишни ниҳоялашга 400 миллион сўм керак бўляпти. Бу борада ҳам концерн бизни қўллаб-қувватлаб юборса ажаб эмас.

Комбинат жамоаси ва ишбилармон раҳбар Хошимжон ака билан хайрлашар эканман, бағдодлик унчиларга улар қилаётган эзгу ишларида яна бир бор омад тиладим.

Адҳам ДАМИНОВ,  
«Ишонч»нинг Фарғона вилояти муҳбири.

Суратларда: Хошимжон ака Муллаев ва қорхонада ўтказилган хайрия тадбирларидан лавҳалар.





Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура ХОЖИМАТОВА жавоб беради.

**Онам Тиловова Бибераҳима 1990 йилда 60 ёшга етганларида 37 йил иш стажига билан нафақага чиқиш учун ҳужжат тўплаб ижтимоий таъминот бўлимига топширдилар. Аммо Деҳқонобод туманидаги жамоа хўжалигидаги иш стажига тасдиқланмабди. Онамга 5 йил иш стажига билан 175 сўм миқдоридан нафақа тайинланиб, ҳозирги вақтда 3500 сўм олаётдилар. Онам Қаҳрамон она унвонига эга. 30 йиллик иш стажларини жамоа хўжалигида бирга ишлашган шахслар гувоҳлигида тиклаш мумкинми?**

**Ҳ. САРИЕВ,**  
Қашқадарё вилояти, Нишон туманидаги 9-давлат хўжалиги.

Амалдаги қонунга асосан Қаҳрамон оналарга

тўлиқсиз стаж билан карилик нафақаси берилди. У меҳнат нафақасининг энг кам миқдори даражасида тайинланади. Яъни бу нафақанинг миқдори шу йил 1 июлидан бошлаб 12185 сўмни ташкил этапти. Онангизнинг 1965 йилгача жамоа хўжалигидаги иш стажига гувоҳлик асосида яшаш жойидаги ижтимоий таъминот бўлимида тикланиши мумкин. Бу масалада гувоҳларнинг яшаш жойи, исми ва фамилиялари аниқ кўрсатилиши шарт.

**Онам 2-гурӯҳ ногирони. Бешта фарзандлари бор. 22 йиллик иш стажига эгалар. Ҳозирги пайтда 3250 сўм нафақа олаётдилар. Шу тўғриси?**

**И. МАМАТИСОҚОВ,**  
Наманган вилояти, Чортоқ тумани,  
Р. Меҳмонов кўчаси 71-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фартига биноан 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат нафақаларининг ва 2-гурӯҳ ногиронлик нафақасининг миқдори 1250 сўм қилиб белгиланган эди. Барча нафақа олув-

чиларнинг нафақаси уларнинг иш стажлари ва ўртача ойлик иш ҳақларига боғлиқ ҳолда қайта ҳисобланади. Бунда ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи олиниб, талаб қилинган иш стажидан (аёллар учун 20 йил) ортик-

ча ишлаган ҳар бир тўлик йил учун иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан қўшимча қўшиб берилди. (Аммо жами 75 фоиздан ошмаган ҳолда). Президентимизнинг фармонларига асосан барча нафақалар ўша вақтдан буён бир неча бор оширилиб, 1993 йилнинг 1 июлидан эса унинг энг кам миқдори 12185 сўмга етказилди.

22 йиллик меҳнат стажига бўйича нафақанинг миқдорини аниқ билиш учун туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этишингизни тавсия қиламиз.

**Мен меҳнат жараёнида шикастланиб 2-гурӯҳ ногирони бўлганман. Қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин? Автомашинани олган ногиронларга бензин олиш учун имтиёзлар бор экан. Автомашинани олганларга қандай энгилликлар белгиланган?**

**Р. МАТЕҚУБОВ,**  
Хоразм вилояти, Хива шаҳридаги  
Ибн Сино кўчаси 14-уй.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 258-сонли қарорига асосан Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва катнашчиларининг ва уларга тенглаштирилган байналмилалчи жангчиларнинг, меҳнатда жароҳатланганлиги ва

касб касаллиги бўйича I ва II гуруҳ ногиронларининг шахсий автомобилларига бензин учун бериладиган талон ўрнига ҳар ойда 50 литр бензиннинг 50 фоизи миқдоридан товон бериладиган бўлди. Автомашинаси йўқ ногиронларга бу товон тўланмай-

ди. Меҳнатда майибланиш бўйича ногиронларга соғлиғига зарар етказган айбдор корхона ҳисобидан қопланадиган товон харажатлари:

- Қўшимча овқатланиш учун;
- Дори-дармон сотиб олиш учун;
- Протезлаштириш учун;
- Ногиронга қараб турганлик учун;
- Жабрланувчи, айрим ҳолларда унга қараб турувчи даволаниш жойига бориб-қелиш харажатларини тўлаган ҳолда санаторийларга юбориш харажатлари тўланади.

**Мен 1938 йилда туғилганман. Аммо гувоҳномада кичик қилиб кўрсатилган. Қаҳрамон онаман. 15 йиллик иш стажим бор. Аммо нафақага чиқа олмаяпман. Қаҳрамон оналарга транспортда юриш учун имтиёзлар белгиланганми?**

**Ҳ. СУЮНОВА,**  
Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги  
«Сангзор» давлат хўжалигининг  
биринчи бўлими.

Амалдаги қонунга асосан паспорт ҳар бир кишининг ёшнинг тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Агар ҳужжатларда (туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада, никоҳни кайд қилиш гувоҳномасида, хўжалик дафтарларида ва бошқа ҳужжатларда) ҳар хил зиддиятли ёзув-

лар кўрсатилган бўлса, унда ёшни аниқлаш масаласини туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ёшни белгилаш комиссияси кўриб чиқиб ҳал қилади. Беш ва ундан ортик бола туғиб уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар 50 ёшга етганларида ва камида 15 йил иш ста-

жи билан ёки боласи 3 ёшга етгунча ишлагандан қараб турган даврини қўшиб (аммо 6 йил доирасида) ҳисоблаганда 20 йил иш стажига билан карилик нафақасига чиқадилар. Талаб қилинган иш стажига эга бўлмаган аёлларга 55 ёшга етганларида иш стажларига мутаносиб тарзда тўлиқсиз карилик нафақаси тайинланади. Бу нафақанинг миқдори Қаҳрамон оналарга карилик нафақасининг энг кам миқдори даражасида белгиланади.

Ҳозирги пайтда Қаҳрамон оналарга транспортдан фойдаланиш бўйича имтиёзлар кўзда тутилмаган.

**1. Пахта терими учун тўланган ҳақ йил натижаси бўйича қўшимча ҳақ ҳисобланганда иш ҳақида қўшибилами?**

**2. Жамоа хўжалиги сотган тоғлар пули аъзоларга мукофот тариқасида бериладими?**

**3. Хўжалик бошқаруви раисига 10 сотих қўшимча ер бериш ҳақида ариза берилса у рад жавоби беришига ҳақлими?**

**Мурод БЕКНАЗАРОВ,**  
Навбахор тумани, Янги Кўрғон  
жамоа хўжалиги.

1. Йил натижаси бўйича қўшимча ҳақ ҳисобланганда ижтимоий сугурта ҳисобланадиган барча ҳақлар иш ҳақида қўшиб ҳисобланади.

2. Хўжаликда қандай маҳсулот етиштириб сотилишдан катъи назар у даромадга олинади. Даромаднинг қанчасини муко-

фотга ажратиш масаласини хўжалик бошқаруви шу хўжаликда ишлаб чиқилган «Рағбатлантириш ҳақидаги Низом»га асосан хўжалик бошқаруви қасаба уюшмаси билан келишган ҳолда ҳал этади.

3. Хўжалик аъзосига томорқа ери шу хўжалик хисобот мажлисини қарори билан ажратилади.

**Турмуш ўртоғим вафот этган. 5 нафар фарзандим учун ҳозирги пайтда 3 минг сўм нафақа оламан. Шу нафақа миқдори тўғриси?**

**3. ҲУШИЕВА,**  
Қашқадарё вилояти, Қамаш туманидаги  
«Наврўз» давлат хўжалиги, Янги ҳаёт  
қишлоғи.

Амалдаги қонунга кўра боқувчисини йўқотганлик нафақаси ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун вафот этган шахсининг ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридан тайинланади. Бу нафақа ҳар бир бола 18 ёшга етгунча, агар у олий, ўрта ва ўрта махсус билим юртида ўқиса, ўқишни тугатгунча, яъни 23 ёшгача

тўланади. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси ҳар бир бола учун энг кам миқдордаги карилик нафақасининг 50 фоизи миқдоридан кам бўлмағлиги керак. Демак сизнинг ҳар бир болангизга 1993 йилнинг 1 июнидан 4063 сўмдан, 1 июлдан эса 6093 сўмдан кам бўлмаган миқдорда нафақа тайинланиши керак.

**Онам Ҳушимова Зайнаб 1938 йилдан 1959 йилгача жамоа хўжалигида, 1959 йилдан 1985 йилгача жамоа хўжалиги боғчасида мудира бўлиб ишлаб 3015 сўм билан нафақага чиққанлар. Ордени ва медаллар билан тақдирланганлар. Мукофотлари инobatга олинадими?**

**М. ПУЛАТОВ,**  
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманидаги  
Жўра Элбоев номли жамоа хўжалиги,  
Дукчи қишлоғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан 1993 йил 1 июндан бошлаб меҳнат нафақаларининг энг кам миқдори 8125 сўм, 1 июлдан эса 12185 сўм қилиб белгиланди. Ишчи ва хизматчиларнинг алоҳида хизматларини ҳисобга олиб шахс ишлаган корхона, ташкилот, хўжалик маъмурияти тавсиясига

асосан туман ва вилоят ҳокимиятлари томонидан шахсий нафақалар тайинланади. Бу масалада онангизга барча ҳужжатлари, ордени ва медалларининг гувоҳномалари билан туман ҳокимлигига мурожаат қилишларини, нафақа миқдори масаласида эса туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишларини тавсия этамиз.

**80 ёшли онам бор. 3 йилдан буён кўзлари ожиз. Ногиронлик гуруҳи белгиланса, нафақалари кўпаядими?**

**Ж. ТУРДИЕВА,**  
Қашқадарё вилояти, Муборак тумани.

Кўзи ожиз I гуруҳ ногиронларига қараб турганлик учун карилик нафақасининг энг кам миқдоридан қўшимча қўшиб берилди. Президентимизнинг Фармонларига асо-

сан 1993 йилнинг 1 июлидан кўзи ожиз I гуруҳ ногиронларининг энг кам нафақаси 25370 сўмга етказилди. (12185 сўм асосий миқдор + 12185 сўм қараб турганлик учун қўшимча)



...БИР КҮРИШГАН одаминг билан иккинчи бор учрашганинда танилмай ўтиришдан ортик хижолатпазлик бўлмас керак. Ваҳоланки, Иброҳимжон билан бир эмас, бир неча бор учрашганман, олис йўлда йўлдош, бийдай чўлда ҳамроҳ, ҳамнафас бўлган у.

Уша пайтлар «Борса келмас» романимга материал тўплаш учун Орол теварagini ўрганишга киришган эдим. Машҳур қрим ёзувчиси Шамил Алядин ҳам Устюрт нефть қидирувчилари ҳақида роман ёзиш нияти борлигини айтиб, менга ҳамроҳ бўлди. Қўнғиротга борганимизда «Чўл ҳавосини бундан яхшироқ биладигани йўқ», деб «Газ-69» машина ҳайдовчиси Иброҳимжон Нурпаисов деганини бизга боғлаб қўйишди. Чақмоқдай чақнаб турган бу йигит ширинсухан, ҳазилкаш, қувноқлиги билан тезда ёқиб қолди. Тонг билан йўлга тушдик. У бизни тўппа-тўғри Устюрт томон бошлади.

Қаршидан дашт шамоли ғир-ғир эсиб турар, кўксинг хушбўйликка тўлади. Кўзлар қуёшнинг илк шуъласига шўнғиётган мовий олисликларга тикилади. Заррин бўйлиқлар, кунгурадор осмон гардиши, нимранг Амударё бўйлари, тўлқин уриб оққан малла ранг сувлар шовқини, қушлар нағмаси ҳузур бахш этади кишига. Олисдан ниҳоятда баланд, учи-кети адоғсиз тоғ бўлиб Чинг деб аталмиш Устюрт чегараси нигоҳингизни тортади. Тоғ бағри оппок. Қор ёққанми, деб ўйлайсиз. Аслида олисдан шундай. Яқинлашганингиз сари тоғ кўкиш рангга кириб, баландлиги ўзидан ўзи йўқолиб бораётгандай туюлаверади. Қарабсизки, ҳеч қутилмаганда арши-аълонинг қўқифида турибсиз. Орта нигоҳ ташласангиз — бепоев қўнқирлик. Бир-бирига туташ ям-яшил қишлоқлар ястанган.

**«Ишонч» газетасининг 26 сонида Қорақалпоғистон мухбири Абдураҳмон Исқандаров мақоласи «Сахрога хуруж бўлмасин» сарлавҳаси билан босилиб чиққан эди. Унда Орол денгизининг қуриб бориши туфайли кун сайин сахро ва чўллар наботот, ҳайвонот оламиндан маҳрум бўлаётганлиги ҳақида астойдил огоҳлантириш бонги урилган. Устюрт чўлида гуркираб турган юлғин, чигиртол, қандим, қуёнсуяк, ёввойи жийда сингарии турфа ўсимликлар кесилиб, боғ-боғ, саржин-саржинлаб бозорларда соғилаётгани, натижада чўл яланғочланиб, ажойиб ўсимликларга қирон кедаётгани, хилма-хил, беҳисоб қушлар кўпайиши ўрнига камайиб бораётгани, тўқайлар ҳувиллаб қолаётганидан ачини ёзади муаллиф. Она табиатнинг инъом-эҳсонни бўлмиш чўл бойликлари талон-тарож қилинаётгани кўп сонли газетхонларимизда норозиликлар уйғотгани тахририятга келаётган хатлардан ҳам маълум. Ҳатто қорақалпоғистонлик ўрта бўй, қирғиз қовоқ, қорачагина, қирқ беш ёшлардаги йигит тахририятга кириб келиб, мақолада жуда долзарб масала кўтарилганидан миннатдор бўлганлигини билдиради. Шу билан бирга Устюрт табиатига ўта бешафқатлик билан зиён-заҳмат етказилаётгани тўғрисида шундай ҳаяжон ва эҳтирос билан сўзлаб берадики, унинг таъсирида аввалдан таниш воқеаларни эслаш билан қўйидаги лавҳани ёзишга ўзимни жазм этдим.**



## НИДОСИ

Устюрт икки юз минг квадрат километрни эгаллаган бағри кенг майдон. Бир қарашда кафтдай текис. Бироқ машинада юриб кўриниб, биров ўласи қилиб калтаклаб ташлагандай ҳолга тушасиз. Дашт ҳар қадамда ўз кифасини ўзгартириб туради. Оддийгина тепалик — олисдан булутўпар улкан тоғ бағридан фарқи йўқ. Яқинлашишигиз билан тепаликдан ҳеч вақо қолмайди. Қаршингизда миззатерак бўй бериб турганини кўрасиз. Яқин борсангиз тиззага етар-етмас қурушқоқ явшан. Ям-яшил ўрмон эътиборингизни тортади. Тевараги кўрғон билан қуршалган ҳароба гумбазни кўрайпман, деб ўйлайсиз. Бекорчи гап. Урмон бўлиб кўрингани уч-тўрт тул жингил холос, кўрғон ва гумбаз эса қайси бир машинадан тушиб қолган резинаси илма-тешиқ филдирак. Тавба, деб ёқа ушлайсиз. Дашт ҳам кишини шунақа калака қилади-ми?

Бироқ, алдаса ҳам шу кўринишнинг бўлгани яхши. Нимандир мўлжалга олиб юришингиз керак-да. Аксинча чўлда қаёқдан келиб, қаёққа кетаётганингизни билмай тезда адашасиз. Чўлда нима кўп — сўқмоқ. Машина излари ўргимчак тўридай ҳар тарафга таралиб кетган. Қайси йўлни танлашни билмай бошингиз қотади. Мўлжалингиз бўлмас — шўрингиз қуригани. Ҳафталаб юриб ҳам бир ерда гир айланаверишингиз мумкин. Ўргимчак тўридан қутилиб кетиш осонми! Лекин Иброҳимжон сингари маҳаллий аҳоли қуёшга, тунлари эса юлдузларга қараб мўлжал олишар экан.

— Ҳаво булут, қуёшсиз кунлар, юлдузлар кўринмаган тунлар қанақа бўлади? — деб сўрайман Иброҳимжондан.

— Унда шабада йўналишига суянамиз, — дейди у, — шабада ўнг томондан юзинга уриб турибдими, демек, ўша томонда денгиз бор. Денгиз уфурган ел — сайёҳ учун энг ишончли қомпас. Машинанинг рулини хиёл буришим билан компаснинг мили ўзгаргандай шабада йўналишининг ҳам ўзгараётганлигини сезаман-да, чаққон рулни тўғрилаб олам.

Кўп юрган — кўп билади, деб бежиз айтмайдилар. Иброҳимжон сал кам ўн йилдан бери Устюрт нефть қидирувчилар бригадасининг машинасини ҳайдайди. Бормаган манзил, юрмаган йўли йўқ. Ҳамма ёқ унга беш қўлдай таниш. Ҳар бир гиёҳ, ҳар бир жонзотнинг номини билади. Қаерда нима ўсиши, қайси унғурда қандай ҳайвон яшаши, қайси бутага қандай парранда ин қўйиб, қачон бола очилиши билади.

Бир сафар дўнғроқ ерга келиб машинасини тўхтатди-да: — Юринг, бир нарса кўрсатаман, — деди у, ерга сакраб тушиб, — қаранг, юморнозиқнинг инига қапишиб олишибди, — дейди ёнига боришини билан, — Ғуж-ғуж. Энгашиб, ичкарироқ назар солинг-а...

Айтганини қиламан, аммо инга терилган майда маржондан бошқа ҳеч нарсани кўрмайман.

— Марваридми?

Иброҳимжон қаҳ-қаҳ уриб кулади.

— Қанақасига марварид, қорақуртнинг тухуми-ку.

Кўл узатиб, биттасини олмақча жазм этаман. Юрак қилмайман.

— Кўркманг, тухумдалигида хавфи йўқ. Узин чақса бош-

қа гап, заҳри туяни қулатади.

Яна бир сафар кип-қизил гулларга бурканган жингилзор яқинида тўхтадик.

— Мана шу жойларни Кийикўтлар дейилади, — дейди у, худди қандайдир сир айтаётгандай шивирлаб.

— Биронта кийикнинг қораси кўринмайди-ку?

— Дафъатан манаман деб кўрина қолармиди? Каллайи саҳарлаб Кийикчашма томон йўл олганида кўрсангиз. Ҳаммаси тилло ранг, ақлингизни олади. Чанқоғини қондириб бўлиб, бутун даштга таралади бари. Хув анави ёққа қаранг, нимадир гивирляпти. Она сайғоқ боласини кўриқляпти чоғи. Шу кеча болалаган. Боласини ташлаб, сув ичгани кетолмабди, жонивор.

Шунча тикилиб бирон шарпани илғаб ололмаганимни айтдим.

— Урганмаган кўзга дарров ҳар нима илинавермайди, — дейди хотиржам оҳанг билан Иброҳимжон — хув анави бута томонга узоқроқ зеҳн солинг. Бошини чиқариб турибди-ку? Атрофни хушёр кузатмоқда. Ёлғиз қолганда шунақа серҳавотир бўлади. Бирон йиртқичнинг шарпасини сезса, ўзини боласи ётган ердан узоқроқ олиб қочиб, чалғитишга уринади. Узи қурбон бўлса бўладики, боласини омон сақлаб қолади. Юринг, ҳалал бермайлик унга. Бизнинг кузатаётганимизни сезди шекилли, безовталаниб қолди.

Машина ичинги ағдар-тўнтар қилиб юборар даражада ирғишлаб-ирғишлаб яна йўлга тушади. Филдиракларнинг гурс-гурс ерга урилишига қизиқсиниб инидан чиққан қурбақабош калтакесаклар узоқроқдаги дўнғлик устиде серрайиб қолади. Юморнозиқ муллаваччалардай қўл қовши-триб бир четда сизни кузатади, аҳён-аҳён ҳуштак ҳам

кенг, ранг-баранг дунёда яшашнинг гашти бошқача азал. Даштга ўрганган у ерлар табиатини осмон ўпар иморатли, теп-текис кўча-қўйли, гавжум шаҳарлар табиатига алишмайди.

Бироқ, сўнги икки-уч йил ичида бу ерларнинг ҳам тинчи бузилиб, бемаҳал ёпирилган ёвдай ҳамма ёқнинг алғов-далғовини чиқариш хуружи бошландики, буни икки оғиз сўз билан тушинтириш қийин. Маълумки Устюртнинг қайси этагида буталар кўп бўлиб, емишдан дарак сезилса, маҳлуқот ўша манзил сари сурилаверади. Эрта баҳорғача тирикчилигини ўтказди. Болалайди, қулунлашади. Агар қил ҳаддан зиёд қаттиқ келиб, чўлда жон асрашини иложи қолмаса, дашт ҳайвонлари одамлар гавжум қишлоқ, овулларга яқинлаша бошлайдилар. Улардан кўмак қутадилар. Бирон ризқ-насиба илинжида аҳолига яқин бўлишга интиладилар. Афсус, жониворларнинг ана шу ночорлигидан фойдаланувчиларнинг жони киради. Уларга раҳм-шафқат қилиш ўрнига бешафқатлик кўрсатилади. Чор атрофдан қуршаб келиб, овни қизтиқдилар. Дашт қашшоқлашса қашшоқлашсин шахсий манфаат, ҳузур-ҳаловатга ҳалал етмасин. Шу йўсинла бозорларда кийик гўшти, алқор, сайғоқ гўшти тўлиб кетади. Бир килоси полон сўм.

Чўл ҳавоси қадрига чўлда яшаган етади. Бироқ ундаги мавжудотга қирон келтириш билан бирга чўлни пайхонлаб, ортиқча нарсалар, қўланса ҳид, қурт-қумурскаларни кўпайтирадиган чиқиндиларга тўлдириб эъблогияни бузаётганлар чўл қадрига ҳеч қачон етишмайди. Иброҳимжон ачиниш билан айтиб берган ана шундай воқеалардан бири-ни келтирамиз:

Тун ҳавоси сокин ва илиқ эди. Чигирткаларнинг чириллашию тирикчилик пайтида изгиган маҳлуқотнинг уввосигина бузарди бу сокинликни. Ой ҳамон чиқмагани учун атроф зим-зиё. Икки қадам нарини таниб бўлмайди. Тасодифан чириллаган мавжудотлик борки бирданига нафаси ичига тушади. Қурбақабошли чўл калтакесаклари кўзларини чақчайтириб ҳайкалдай қотади. Тариллаган мотор овози яқинлашиб келарди. Кейин «гупир гупир» қилиб, еру-кўкни титратгудай шовқин-сурон кутариб, «ба-бу» билан туёқ товушлари эшитилади. Дафъатан шуъла таралиб кўз нурини кесади. Калтакесаклар жон ҳолатда ўзларини инларига урадилар.

«Газ-69» машинасида бир эмас, тўрт киши ўтирар эди. Улар ширақайф, оғизларидан оқ ит кириб, қора ит чиқар эди. Машина фараси ёруғига тушиб қолган сайғоқларни қувиб келардилар. Кўзни қамаштирувчи нур жониворларни сеҳрлаб қўйгандай. Шунча юрганларни билан фара ёруғи доирасидан чиқиб кета олмасдилар.

— От, от! — деб қисталанг қиларди машинада ўтирганлардан бири, милтиқ ушлаган иккинчисига, — машинангни ўннга бур, чапга!.. — деб буйруқ қилади ҳайдовчига.

— Ошиқма! — уни жеркиб ташлайди иккинчиси.

— Э-э... кўлингдан келмаса, овга чиқиб нима қилардинг... Бу ёққа бер милтиқни!

Уқ отилади. Сайғоқлардан бири ўмбалоқ ошиб тушади. «Ба-бу» яна кучаяди. Милтиқ қайта отилади. Яна бир сайғоқ, ундан кейин иккинчиси, учинчиси гурсиллаб ерга қулайди. Буни кўрган тунги безориларнинг иштаҳалари баттар кўзгаёйди. Милтиқ қўлдан-қўлга ўтади. Ҳар бири иложи борича кўпроқ жонивор қулатиш билан маҳоратларини намойиш қилмоққа ошиқадилар.

«Ҳайда-ҳайда» ...«ўнга бур, чапга бур», дея бақирик-чақирик кучаяди. Машина қандайдир чуқурликка тушиб, тўхтаб қолгандагина нафаслари тинади. Кейин машинани аранг чуқурликдан чиқариб оладилар. Ортага қайтадилар. Йўлма-йўл жонсарак, питирлаб ётган ўлжаларининг бириккитасинигина топиб, машинага юклашади. Бироқ беихтиёр йўлдан чиқиб кетишгани учунми отанларнинг ҳаммасини ҳам топа олмайдилар. Қидира-қидира тинкалари қуриydi. Қолиб кетган жонсиз сайғоқлар танаси эса эртасидан жазирама иссиқ таъсирида бузилади, ирийди, чирийди, қуртлайди. Энг ёмони қўланса ҳид таратиб чўл ҳавосини бузади. Бу билан уларнинг ишлари йўқ. Фақат машинадаги ўлжаларни тезроқ нимталаб, пуллаш ғамини ейдилар, холос. Бозорда айнан пуллаш маҳали қўлга тушадилар...

Иброҳимжон шу воқеани айтиб бергандан кейингина уни таниб қолдим. Хижолат тортдим. Кечирим сўраб, бошқатдан сўрашдим. Ҳа, бу ўша хизмат бурчи туфайли улкан Устюртнинг у бурчидан бу бурчига неча марталаб бориб келиш билан чўлга меҳр қўйган, қувноқ, шинаванда йигит Иброҳимжон Нурпаисов эди.

— Тахририятга келиб, хўп яхши қилибсиз-да, иним, — дейман ундан миннатдор бўлиб, — айтганларингизни ҳаммасини ёзаман, ҳаммасини...

— Езинг! — дейди у ҳам қарашларида қатъийлик ва жиддийлик касб этиб, — ёзинг, оға, «Ишонч»ни бизда кўплар ўқийди. Зора шу ёзганларингизни ўқиб, ўша сахро, чўлларга яширин хуруж қилаётганлар инсофга келиб, бандасидан ҳайкамасалар ҳам, худодан кўрқадиган бўлишса!..

— Иншооллоҳ!

Дарҳақиқат, уларнинг қилаётган ишлари ўта жиноят, гуноҳ-ку! Наҳотки шуни билишмаса, таналарига ўйлаб, бунинг оқибати қанчалликка олиб боришини тушунишмаса, деб ёқа ушлайсан киши. Шунча йил, шунча замонлар инсонга кенг бағир очиб, саҳий-саховат билан кўрк-жамоли, бор ҳазинасини аямаган чўлнинг оҳир-оқибат кўргилиги шу бўлдими? У ҳимоясиз қолмоқда. Бугун қалби хун, ҳасрат-надоматини эшитувчиси йўқ, фиғон чекиб, «ё раб, кимга нима ёмонлик қилганим, кимдан ноз-неъматимни аяган эдим?» дея нола қилади, оҳ чекади, афсус ейди, нидо солади. Еҳуд худонинг берганини шайтон қизганибди, деганлари шумикан ё? Ахир даштдаги ҳайвонларга бирорталари бир боғ ем бериб, боқиб, кўпайтириб қўйишбди-мики, унга ачинишса. Таппа-тайёр ўлжани қўлга тушириб, туя қилаверишдан осон иш борми дунёда? Бели оғриманиннинг нон ейишини қара, деб шунга айтсалар керак балки. Фақат бугунни, фақат ўз манфаатлари, вақтинчалик маишатларини кўзлаб, эртани эсдан чиқариб, она табиатни қип-яланғочлаб қўйиш ўзинг ўлтирган шохни арра-лаш билан баробар-ку?! Табиат эҳсонини менсиммай, бешафқат муносабатда бўлишлар туфайли кунга кеча бешик-бешик тўлқинлар мавж урган, ойнадай тиниқ денгизимиз — Оролнинг тақдирини нима бўлди, ахир? Ҳа, табиатга қарши чиқиб бўлмайди. Қасд қилгандан бугун бўлмаса эртага у қасос олиши муқарар. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак!



Саволларга Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура ХОЖИМАТОВА ва иктисодчи Санжар Расуловлар жавоб берадилар.

*Уч фарзандим бор. Бири 1991 йилдан буён ногирон. 3500 сўм нафақа оламиз. 2 та фарзандимиз (бири 7 ойлик, бири 3 ёш)га турмуш ўртоғим иш жойидан нафақа олади. У қандолат цехида ишлайди ва шу ногирон фарзандимизга ҳам қараб туради. Унга қараб турганлиги учун қўшимча нафақа тўланадими? Ногиронлик гуруҳи қачон ўзгартирилади?*

**О. РАСУЛОВ,**  
Андижон вилояти, Хўжабод туманидаги А. Қаҳҳор номли жамоа хўжалиги.

Амалдаги қонунларга кўра меҳнатга лаёқатли

бўлиб ишламасдан болаликдан ногиронларга, 1 гуруҳ ногиронига ва 80 ёшдан ошган қарияларга қараб турганлик учун тоvon тўланади. Шунингдек мана шу давр иш стажига қиради. Сизнинг турмуш ўртоғингиз қандолат цехида ишлар эканлар. Шунинг учун у кишига tovon тўланмайди. Болаликдан ногирон фарзандингиз 16 ёшга тўлганда унга ВТЭК томонидан ногиронлик гуруҳи белгиланади.

*Момом 1993 йил 1 январда вафот этдилар. Уларнинг декабрь ойи учун белгиланган нафақасини 7 январь кунини беришди. Ижтимоий таъминот бўлими шу пулни қайтариб берасизлар дейишяпти. Шу тўғрими?*

**И. ҚАРИМОВ,**  
Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги Ленин номли жамоа хўжалиги, 10-бригада.

Нафақа тўғрисидаги амалдаги қонуннинг 116-

моддасига асосан нафақа олувчи вафоти билан унга тегишли бўлган ва унинг вафоти туфайли олинмай қолган нафақаси мерос таркибига кирмайди ва боқувчисидан маҳрум бўлганлиги сабабли нафақа билан таъминланадиган доирага мансуб оила аъзоларига тўланади.

*Мен «Гулистон» давлат хўжалигининг транспорт бўлимида тракторчи бўлиб ишлайман. 55 ёшдан нафақага чиқишим мумкинми?*

**М. УСМОНОВ,**  
Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманидаги «Гулистон» давлат хўжалиги

Нафақа тўғрисидаги қонунга асосан жамоа хўжалигида, давлат хўжалигида, бошқа кишлоқ хўжалигида,

лик корхоналарида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан бевосита банд бўлган машинист-тракторчилар — эркакларга иш стажига камида 25 йил бўлиб, шундан камида 20 йил мазкур ишда банд бўлганда 55 ёшга етганларида имтиёзли қариллик нафақаси тайинланади.

*Улуғ Ватан урушининг 1 гуруҳ ногирониман. 1991 йилнинг март ойидан буён ВТЭК хулосасига кўра автомашина олиш учун навбатда тураман. Аммо ҳанузгача машинадан дарак йўқ.*

**Ҳ. ЖАЛОЛОВ,**  
Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги «Янги ариқ» жамоа хўжалиги.

Хурматли Ҳаким ота! Мамлакатимизда бозор

иктисодиётга ўтилиши муносабати билан автомашиналарнинг нархи кескин ошиб кетганлиги ва бошқа республикадан келтирилиши қийинлашиб қолганлиги сабабли ҳозирча сизни автомашина билан таъминлашнинг имконияти йўқ.

*Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишлаётган ходимларга унвонлар учун, яъни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллакор, агроном, ветеринария врач, чорвадор, зоотехник, механизатор, кишлоқ хўжалик ходими ва ҳоказоларга қандай моддий ва маънавий имтиёзлар бор?*

**А. ШАРИПОВ,**  
Наманган вилояти, Уйчи тумани, Қизил Ровот давлат хўжалиги.

Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлар обрў-эътиборини кўтариш ва илмий, ижодий ҳаракатлар мавқеини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбе-

кистон Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоси ва мухбир аъзоси, соҳалар Фанлар Академияларининг ҳақиқий аъзоси, мухбир аъзоси, халқ ёзувчиси, шоири, ўқитувчиси, мусаавири, артисти, ҳофиз, хизмат кўрсатган фан, санъат арбоби, хизмат кўрсатган артист ва соҳалар бўйича хизмат кўрсатган ходимларни рағбатлантириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7 июнь 1993 йил 274-

сонли қарори эълон қилинган.

Шу қарорда жумладан: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ғаллакор, чорвадор, пахтакор, пиллакор, механизатор, иктисодчи кишлоқ хўжалик ходими ва бошқа рўйхат-

га тушган ихтисослар бўйича унвонга эга бўлган ходимлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги энг қўйи тариф ставкасининг (1 июль 1993 йилга 11250 сўм) 60 фоиз миқдорига қўшимча тақдирланадилар.

*Бозор иқтисодиёти шароитида халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳукуратимизнинг кетма-кет қарорлари чиқмоқда.*

*Шу қарорлар асосида ишлаб турган солиқлар тизимига ўзгаришлар кириши табиий ҳол. Лекин уларнинг бизларга етиб келиши учун анча вақт талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 29 июнь Фармонида биноан 1993 йил 1 июлдан иш ҳақининг 1,5 баробар ортиши муносабати билан аҳолидан олинадиган даромад солиғи нормасига киритилган ўзгаришлар ҳақида маълумот берсангиз.*

**Ҳанифа АКМАЛОВА,**  
Тошкент вилояти, Бекобод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 29 июндаги «1993 йил 1 июлдан меҳнат ҳақи, нафақа ва стипендияларни ошириш тўғрисида»ги Фармонида биноан, меҳнат ҳақи 1,5 баробар кўтарилиши муносабати билан:

1. 1 июль 1993 йилдан бошлаб иш ҳақининг энг оз миқдори 11250 сўм; фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадининг қуйи миқдори 11250 сўм этиб белгиланди.

2. Иш ҳақининг 1,5 ба-

робар ва солиқ олинмайдиган энг оз даромаднинг 11250 сўм этиб белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Давлат солиқ бошқармасининг 1993 йил 1 июлдаги 10/2—1683 сонли тушунтириш хатига асосан 1993 йил 1 февралдаги 10—2/328 хатининг еттинчи жумла боши (даромад солиғининг миқдорий акс эттириш)га қуйидагича ўзгартириш киритилди.

Солиқ олинмайдиган йиллик даромад миқдори (солиқ олинмайдиган минимум чегириб ташланганда) сўмда

Солиқ миқдори

405000	14 фоиз
405001 дан 540000 гача	56700 сўм + 405000 сўмдан ортган миқдорининг 16 фоизи.
540001 дан 675000 гача	78300 сўм + 540000 сўмдан ортган миқдорининг 20 фоизи.
675001 дан 1012500 гача	105300 сўм + 675000 сўмдан ортган миқдорининг 30 фоизи.
1012501 дан 1350000 гача	206550 сўм + 1012500 сўмдан ортган миқдорининг 40 фоизи.
1350001 ва ундан ортиғи	341550 + 1350000 сўмдан ортган миқдорининг 50 фоизи.

Йил давомида даромаднинг солиқ тўланадиган қисмини аниқлашда ўтган ойлар учун энг оз солиқ олинмайдиган қисми (январь-март ойлари 2500 сўмдан; апрель, май ойлари, 3000 сўмдан; июнь ойи 7500 сўм, июль ойидан бошлаб 11250 сўм) чегириб ташланади.

Саҳифани котибият тайёрлади.





## ТАШВИШЛАРДАН ҲАЛОВАТ ТОПИБ

УНГА идора бошлиғи М. Чўтбоев ташкилот тугатиётганини айтиб, ўз хоҳиши билан ишдан бўшаётганлиги тўғрисида ариза ёздириб олди. Бошлик бу билан иш тамом, Наеждадан «силликкина кутулдим» деб ўйлаганди. Бироқ, бошлик кутганчалик бўлмади натижа. Орадан кўп ўтмай Наежда алданганлигини сезиб қолди. Негаки, бирга ишлаётган ҳамкасбларининг биронтаси ҳам ўз меҳнат постларидан жилмадилар.

Ким ҳам яшаш учун курашмайди, дейсиз? Ўз ҳақ-хуқукини талаб қилганларнинг ёнини оладиганлар негандир камайиб боряпти. Яхшиям конун бор, адолатнинг энг ишончли таянчи. Яхшиям адолатли, виждонли конуншунослар бор, киши гангиб қолганида ҳақлиги-ю ноҳақлигига тўғри тошу тарози кўядиган. Акс ҳолда...

Наежда ҳам ўзининг ҳақлигини Хатирчи тумани комиссиясидан савдо корхонасининг бошлиғи М. Чўтбоевга «исботлаб беролмагач» «Облкоопзаготторг» дирекциясига ариза ёзди. Текшириш учун келган комиссия корхона маъмуриятининг буйруғини тўғри деб топди. У яна шу идорага мурожаат қилди. Унга бу гал ҳам ишдан бўшатишларини сўраб берган аризасини рўқач қилишиб, энди иш сўраб туман меҳнат биржасига мурожаат қилишини маслаҳат беришди у ердигилар. Нойлож меҳнат биржасига мурожаат этди. Натижа бўлмади. Шундан сўнг туман ҳокимлигига бу масалада ёрдам беришларини сўраб хат билан чиқди. Бу масалани ҳал этиш ҳокимнинг биринчи муовини М. Олимов зиммасига юклатилди. Ҳокимликдан халқ судига ёки вилоят касаба уюшмалари кўмитасига мурожаат қилишини айтишди. Туман халқ судининг раиси О. Муқимовга ишга тиклашларини сўраб ариза ёзиб борди умид билан. Судья қабул қилмади унинг аризасини. Сўнгра давлат савдоси ва матлубот жамияти кооперацияси ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитасига мурожаат этди. Масалани текшириб, объектив ҳал қилиш учун Хатирчи борган шу тармок касаба уюшмалари кўмитаси йўриқчиси М. Нуримов «Аризачи Наежда Михайловнанинг аризасида кўрсатилган фактлар тасдиқланмади деб кўрсатилсин. Гражданка Горшенина Н. М. ўз хоҳишига кўра бўшатишларини конуний деб тан олинсин, қилаётган ишларини конуний деб ҳисоблансин», деб қарор чиқариб бериб «кутулди».

Адолат истаб оёғи толган, виждони кийналган Наежда энг сўнгги илинж сифатида касаба уюшмалари вилоят Кенгашига ариза билан чиқди. Илинж бу гал ҳақиқатни юзага келтирди. Негаки, ариза адолатпарвар инсон, малакали ҳуқуқшунос, касаба уюшмалари вилоят кўмитаси раисининг муовини Неъмат Давлатович Тўхтаев номига кайд этилганди.

Неъмат Давлатович қатор йиллар касаба уюшмалари Самарканд, Бухоро ва Навоий вилоятлари кенгашиларида ҳуқуқ назоратчиси сифатида

фаолият кўрсатиб, бу соҳада катта тажриба тўплаган эмасми, Наежда Горшенинанинг аризаси, у котибамашинистка бўлиб ишлаган идора фаолияти, унинг ишдан бўшатилиши тўғрисидаги буйруқ билан атрофлича танишди. Қилни кирк ёриб кўрди. Маълум бўлишича, Горшенинанинг меҳнат дафтарчасига «...ташкилот тугатилганлиги туфайли ишдан бўшатилинсин» деб қайд этилган экан. Аслида эса бу ҳақда маъмуриятнинг буйруғи ёки юқори ташкилотнинг асосли хужжати йўқ. Наежда ишдан бўшатишларида Ўзбекистон меҳнат конунлари мажмуасининг 41, 43, 51 2- ва 51 3-моддалари маъмурият томонидан кўпол равишда бузилган. Ана шуларга асосланиб, Ўзбекистон меҳнат конунлари мажмуасининг 244- ва 245-моддаларига биноан Н. Горшенина ўз вазифасига қайта тикланди. Салкам бир йил овозгарчиликдан сўнг Неъмат Тўхтаевнинг оқилона ва одилона ҳаракати туфайли адолат қарор топди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган беш ойида Томди туманидаги алоқа бўлими ходими Н. Куширбоева, вилоят давлат электр тармоқлари корхонаси хизматчилари Н. Митянина, В. Қазайкина, Навоий шаҳар тозалик идораси ишчиси А. Саидовлар ҳам ҳуқуқшунос Н. Тўхтаевнинг саъй-ҳаракати туфайли ўз вазифаларига тикландилар.

Одамларни ишга тиклаш Неъмат Давлатович Тўхтаевнинг бевосита вазифаси эмас. Бироқ тажрибали ҳуқуқшунос сифатида бу борадаги энг мураккаб ишлар унинг зиммасига юклатилади.

Неъмат Тўхтаев бундан ўн беш йил илгари Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётини битирган. Дастлаб ички ишлар органларида участка назоратчиси, терговчи вазифаларида фаолият кўрсатган. Ўн йилдан буён касаба уюшмаларида хизмат қилиб келаётган.

Ҳозирги пайтда унинг зиммасига касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раисининг муовини сифатида ушбу кенгашдаги ҳуқуқ назорати, техника назорати, меҳнаткашларни ижтимоий химоя қилиш, маданият, спорт ва халқаро муносабатлар, шунингдек, тармок касаба уюшмаларидан давлат муассасалари, соғлиқни сақлаш, коммунал ва маиший хизмат, халқ маорифи, савдо ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмиталари ишини назорат қилиш, уларга йўл-йўриқлар кўрсатиш вазифалари юклатилган. Шу туфайли унинг иши хамиша тигиз. Қабулидан одам аримайди, ўз навбатида у маслаҳат сўраб, нажот истаб келганлардан бегараз ёрдамини ҳам аямайди. Чунки у ташвишлардан ҳаловат топиб, ҳозирги мураккаб даврнинг қийинчиликларини қалбдан ҳис этиб, одамлар қалбидан келажаги буюк давлатимизнинг порлок эртасига ишонч туйғуларини алангалатиб, яшаётган инсон.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

ЯХШИ гапга илон инидан чиқади, ёмон гапга мусулмон динидан чиқади, деган мақол бор. Гулистон туманининг Азизхон Носиров номли жамоа хўжалигида юз берган ҳодиса бизга яна бир марта шу мақолни эслатди. Агар икки эски ошна ўртасидаги қалинлик, иззат-ҳурматни ўйласанг, бу ҳодиса юз берганига ишонгинг келмайди. Лекин барибир ёмон иш юз берди. Бир томоннинг бир оғиз ноҳўя, одамда орият кўзгатадиган сўзи иккинчи томоннинг иззат нафсига тегида-да, ўткир пичоқ ишга солинди.

Воқеа мана бундай рўй берган эди. 1992 йил 1 октябрь куни хўжалик

5-бригадасининг дала шийпонида дефолиация ўтказётган механизаторлар ош-сув қилиб дам олишни мўлжалладилар. Аввалроқ меҳнат фариши бўлган Алиқул Таниқуловни илтимос билан ошпазликка олиб келишган эди. Бу одам бир неча кун давомида пазандалиги, мўмин-ювош-

ол десам ҳам қўймади... хўрлигим келди, ёшлар олдида шарманда бўлдим. Ҳам ўғрига, ҳам эркак киши шаънига сира тўғри келмайдиган ёмон отлига чиқарди у мени...»

Бир лаҳзада фалокат содир бўлди. Алиқул Таниқулов Абдуҷалил Мухамедовга пичоқ урди. Одамлар чувиллашиб қолдилар. Таниқулов ўзи қилган хатони тушуниб, яраланиб ётган Мухамедовдан кеңирим сўради. Лекин вақт ўтган эди. Энди бу хатони тузатиб бўлмаглигини тушундида, район ички ишлар бўлимига ўзи бориб, воқеани сўзлаб берди.

Пичоқ чап кўкракка санчилган экан. Мухамедов касалхонага бормасданоқ ҳаётдан кўз юмди. Шундай қилиб, бир одам ораминдан кетди, иккинчиси қамоқда ўтирибди. Уни етти йил муддатга озодликдан маҳрум этишди. 67 ёшдаги бу одам қариган чоғида қотилликка қўл уриб, ана шу аҳволга тушди.

Кўпинча эҳтиётсизлик, бепарволик,



лиги, меҳнаткаш ва очиқ кўнгиллиги билан ҳаммани хурсанд қилди.

Уша 1 октябрь куни механизаторлар кекса ошпазга яхшироқ овқатлар тайёрлашни буюряйиб, ўзлари ўртада пул йиғишди ва ичкилик сотиб олишди. Нима бўлди-ю сабил қолгур шишаларнинг иккитаси йўқолди. Бу нарсани айниқса, ёшларнинг асабини бузди. Ошпаз Алиқул Таниқулов ичкилик ичмаси ҳам, ўртада тўпланган пулга ҳиссасини қўшган эди. У икки шиша ароқ йўқолганидан хабари йўқлигини айтиб, анча афсусланди. Бироқ оғизларига ичкилик теккан йигитлар топасанлар деб туриб олишди. «Ушанда йигитлар видеомагнитофондан бир расво фильми кўриб ўтиришган экан, деб кўргазма беради тергов протоколида Алиқул Таниқулов, — мен бу ёмон кишини кўрмай чиқиб кетдим... Қовурма олдида икки шиша ароқ қани даб сўрашганида мен бундан бехабарлигимни айтдим. Шунда йигитлар Абдуҷалилдан ароқни топишни талаб қилишди. Илгари ҳам шунақа иш бўлганми, билмайман, улар сиз олгансиз, бошқа ҳеч ким олмайди, сизни яхши биламиз, деб туриб олишди».

Абдуҷалил пахтазорнинг ичига кириб, уёқ-буёқни қаради ва тополмадим деб қайтиб келди. У яна «эрталаб топиб бераман, ҳозир қоронғида тополмайман деди. Йигитлар бунга кўнишмади, ҳозир топасан деб қисташди. Шунда Абдуҷалил мени кўрсатиб мана шу... чол олган. Уни ҳалиги кинода кўрганимиздек фалон қилинлар деб юборди. Мен пичоғимни қинидан олиб қовун сўйиб еб ўтирган эдим. Абдуҷалил ҳалиги иснодли гапини яна такрорлади... қўй ўртоқ бу гапингни қайтиб

оқибатини ўйламай иш туттиш ана шундай фожеага олиб келади. Бизнинг назаримизда қотиллик юз бермаслиги мумкин эди. Бу ишда, аввало, жамоа хўжалиги раҳбарлари, мутахассислари айбдор. Чунки улар кўппакундузи далада, иш жойида ароқ-хўрлик қилинишининг олдини олишолмади. Ароқ ичган механизаторлар ҳам қатор эҳтиётсизликларга, меъридан ортиқча қаттиққўлликка йўл қўйдилар. Агар улар ароқни топ деб зўғум қилишмаганда, бу фожеа юз бермаслиги мумкин эди. Энг ёмони Абдуҷалил Мухамедовнинг оғзидан бепарда гаплар чиқиб кетди. Таниқулов эса ўзини туттиб туролмади. Оқибатда бир оилада аза очилди. Яна бир оила бошига қийин кун тушди.

Биз бу воқеани эслатиб, гезетадан қимматли жойни олиб ўтиришни аввал хоҳламадик, лекин кейинроқ ўйлаб кўриб, уни ёзиш фойдадан ҳоли эмас, одамларни огоҳлантиришга хизмат қилади, деб ҳисобладик. Фалокат оёқ остида дейдилар. Агар одамлар асабига эрк берсалар, ҳар кун, ҳар лаҳзада уруш-жанжал, ҳатто фожеа юз бериши мумкин. Тасаввур қилинг, автобуста бир киши иккинчисига, нарироқ турсангчи, деб дағал муомила қилди, унис овозингни ўчир, деди. Биринчиси қизишди, иккинчиси туюқиб кетди. Оқибати нима бўлди денг? Муштлашиш юз беради, бунақа ҳодисаларнинг олдини олиш чораси битта: ҳушёр, вазмин, бардошли ва кеңиримли бўлиш. Шундай киши ҳамиша ютади, аксинча иш тутган киши ютқизади. Буни унутмайлик.

Ҳамиджон МУСАЕВ,  
Гулистон тумани прокурори.

Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси гиёҳвандликка қарши кураш бўйича мунтазам ҳаракатлар олиб бормоқда. Яқинда наркотик ўсимликлар экиладиган жойларни аниқлаш, мўмай даромад берадиган бундай «иш» билан шуғулланадиган шахсларни фош этиш мақсадида «Қорадори» операцияси ўтказилди. Икки ҳафта давом этган саъй-ҳаракатлар натижасида «Пинхона бизнес» билан

шуғулланадиган кўплаб кишиларнинг баъзаси очиб ташланди. Қамашини шахрининг Самарканд

томоркасида 300 туп, Қарши керамзит заводи ишчиси А. Умидовнинг ховлисида 24 туп кўк-

Косон туманидаги «Гувалак» ширкат хўжалиги ишчиси Р. Аллаёров бошқаларга нисбатан анча

Амир Темур номли жамоа хўжалигида яшовчи Т. Эргашевникидан 27 туп, А. Бердиев ва Т. Бобоқуловларнинг уйдан 17 тупдан наша топилди.

Шахрисабз тумани ички ишлар бўлими ходимлари Ҳисор тоғ этакларида, пана-пасткам жойларда ўстирилатган 1,5 гектар майдондаги наркотик ўсимликларни топишди ва йўқ қилиб ташлашди.

М. КЕНҒОЕВ.

## «ҚОРАДОРИ» О П Е Р А Ц И Я С И

кўчасида яшовчи Ф. Усмоновнинг ховлисида 500 туп, Қарши туманидаги Пахтазор қишлоғида яшовчи Х. Ҳамидовнинг

нори, Қарши туманидаги Жумабозор қишлоғида яшовчи К. Қаюмовнинг уйдан 206 туп кўкнори ва 25 туп наша топилди.

«дадилроқ» экан. У ўз томоркасида 21 минг 830 туп кўкнори ўстираётган экан.

Шахрисабз туманидаги



КАТТА уйда телевизор кўриб ўтирган эдик, кичик қизим онасини секин туртиб қолди:

— Анави капалакни қаранг, бува-ларнинг расмларига кўниб турибди. Тутиб олайми?

— Вой, бу арвоҳ капалаги-ю кўр-қитма. Бизни йўқлаб келган. Уликлар тирик, тириклар ўлик, дердилар

Мудофаа вазирлигининг марказий архивгача мурожаат этдим. Лекин тайинли жавоб бўлмади. Охирги хатлари Карпатдан келган эди, деб Львов, Ужгород, Мукачева томонларга бориб келдим. Бирор тахтачага номлари ёзилиб қолганмикан, деб қанчадан-қанча қардошлик қабристонларини кезиб чиқдим. Минг-минглаб одамларнинг номларини ўқидим. Фақат мен излаган одам йўқ. Хомуш бўлиб Карпат тоғларига, одамлар гавдасига ўхшаб турган баланд қояларга юзландим. Бедарак йўқолганлар мана шу қояларга айланиб қолган, деди ўша ерлик бир қария. Шундан бери тоғлардаги қояларни кўрсам бедарак кетган отам кўз олдимга келаверади...

Уша оқшом хаёлларим тўзиб кетди. Болалар ўз ётоқларига кириб кетишганда ҳам мен девордаги расмга тикилиб ўтирдим. Кейин секин туриб нариги уйдан отамнинг фронтдан йўллаган мактубларини, ҳарбий кийимда тушган суратларини олиб чиқдим. Уларни кўп марта кўрганман, барибир яна кўргим келаверди. Бирма-бир боқиб отам билан хаёлан суҳбатлашгандек, ота-бола қайта учрашгандек бўлдим.

овозимнинг борица қичқирарканман: **Самолёт, самолёт, Қанотингни пастлаб ўт. Адамларнинг хатларини, Ҳовлимизга ташлаб ўт.**

Унда укам чақалоқ эди. Уни кўрмагансиз. Сиз кетгандан кейин туғилган. Укамга атаб ёзган шеърий мактубингизни кўп марта ўқиганман. Ҳатто ёдлаб ҳам олганман.

Укамнинг исми Аловиддин бўлгани билан бувимиз уни Бахтиёр деб чақирадилар. Кейин билсак отаси урушдан тезроқ келсин, набирам бахтли бўлсин деб шундай деб чақирар эканлар. Шу бўйи укамнинг исми иккита бўлиб қолди. Бувимларнинг кўзлари умрларининг охиригача йўлларингизда нигорон бўлди.

— Уғлим ўлмаган, бедарак йўқолган. Ахир бир куни кириб келади, — деб аза ҳам очдирмаган эдилар.

Йўлларингизга кўз тикиб онамлар ҳам ўтиб кетдилар. Энди фарзандларингиз кўзи сизга нигорон. Урнингиз ҳамisha сезилиб туради. Сизсиз кўп синоатларни бошимиздан кечирдик. Отамиз бўлганларида биз ҳам бошқалардек эркаланиб юрармикдик, деб кўярдик ўшанда.

Эсимда, қиш кунлари уйимиз жуда ҳам совиб кетарди. Сандалнинг тўрт тарафида тонг оттирардик. Пахталик чопон эгнимиздан, қалпоқ эса бошимиздан тушмасди. Чунки кечқурун сандалга солинган ўтиннинг кўри ярим кечага ҳам борма кул бўлиб қоларди. Кўмир эса йўқ.

Бир куни гузардаги мактабнинг қоровули эшигимизга кўмир тўкиб кетди. Онам унинг қўлига бир нарсани ўраб бердилар. Кейин билсак, сизнинг тилла соатингиз экан. Онам бечора тилла соат кетса — кетсин, лекин болаларим совуқда қолмасин, дебдиларда ўшанда.

Кейинчалик сизнинг қора хиром этигингизни кичкина бўлсам ҳам мен мактабга кийиб борадиган бўлдим. Чунки оёғимда киядиганим йўқ эди. Бир куни гузардан ўтиб кетаётсам колхоз кассири оёғимга қараб, «бечора бола, отаси бўлганида шундай юрармикди» дегандек бош чайкаб қўйди. Нима қилайлик, онамизнинг эрта-ю кеч колхозда ишлаб топганлари қорнимизга етса эгнимизга етмасди. Яхшиям сизнинг кийим-бошларингиз қолган экан. Шуларни онамиз қўл машиналарида бизга мослаб бергандилар. Уч болани бир кўзлаб боқиб онамизга қанчалик қийин бўлганлигини билсангиз эди... Юк кўтариб юзага чиққанлари учунми, ҳамма уларни ҳурмат қиларди. «Ҳидоятхон уйга кирса хотин бўлиб, кўчага қилса эркак бўлиб уччала боласини олий маълумотли, уйли-жойли қилди. Болаларига отасининг йўқлигини билдирмади», дейишарди маҳалла-қўдагилар. Барибир сизнинг йўқлигингиз ҳар кун, ҳар соат бизга билиниб турарди.

— Менинг йўлим узоклашиб кетди, — отам ух тортгандай бўлдилар. — Дастлаб Саратов вилоятининг Новоузинский шаҳридаги офицерлар тайёрлаш курсида ўқидим. Сўнг маълум муддат ўқишни Москвада давом эттирдим. 1943 йилнинг апрелидан жангга кирдим. Украинанинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларини душмандан тозалаб Карпат тоғлари орқали Оврупага йўл оча бошладик. Сўнги хатларимни шу жойлардан ёзган эдим.

— 1944 йилнинг 1 февралдан ойига 435 сўмдан пенсия пули кела бошлади. Онам бечора биринчисини йўқлаб-йўқлаб олиб келганлари эсимда. Демак, сиз ўшанда 30 ёшга кирар-кирмай бедарак йўқолган экансизда. Кечагида ҳисоблаб қарасам келаси йил саксон ёшга тўлар экансиз. Ажаб эмас, шу тўйнинг бошида ўзингиз ўтирсангиз. Умид учқунлари ҳали қалбимизни тарк этгани йўқ.

Бедарак кетганлар йўлига бизга ўхшаб умид кўзи билан тикилиб ўтирганлар бу дунёда қанча экан-а. Ҳеч бир фарзандга ота-онасини куттилик қилмасин. Одамнинг ранги сомон, дили вайрон бўлиб кетар экан.

**Жасур НОСИРОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

## ЖАСОРАТЛАР УНУТИЛМАЙДИ

БИР НЕЧА йиллар муқаддам, фронтда ҳалок бўлган отам изини кидириб, Октябрь туман ҳарбий комиссариатида бўлган эдим. Ертўладаги темир сандикдан уруш даври ҳужжатларини кўтардик. Ниҳоят, отам исми-фамилияси ёзилган саҳифани топдик.

Ҳаммаси бор — туғилган йили, адреси, миллати, маълумоти ва ҳоказо. Фақат бир нарсаси — қаерда ва қачон ҳалок бўлганлиги ҳақидаги маълумот йўқ.

Рўйхатларга диққат қилсам, ҳар саҳифадаги 12 кишининг 7—8 тасига «бедарак кетган» деб ёзиб қўйилган.

Бу йигитларнинг ҳар бирини бутун маҳалла, барча қариндош-уруғи йиғисига билан қузатган эди! Қузатган-у, у ёғига «бедарак» кетган. Қаерда ҳарбий таълим олган? Қайси ҳарбий қисмга тарқатилган? Қаерда жангга кирган? Сўнги марта қаерда бўлган?

Ҳеч нима йўқ... Улар ҳамон «бедарак»!

Улуғ ғалабининг бундан бир неча йил аввал ўтказилган байрами арафасида Тошкент маҳаллаларидан бирида уруш қурбонлари шаънига хотира ёдгорлиги очиладиган бўлибди. Маҳалла фаоллари телевидениега келиб, ёдгорликнинг очилиш маросимини «Ахборот» программасида кўрсатишни илтимос қилишди.

Гапдан гап чиқиб, маҳалладан элликдан кўпроқ йигит фронтга кетганини ва ёдгорликка атиги 12 кишининг (ёки 14—15 бўлса керак) номини ёзишга рухсат берилганини айтишди. Булар «Қаҳрамонларча ҳалок бўлишган», қолган аксарияти эса «бедарак» кетишган экан.

— «Шу кўпчилик бедарак кетганларнинг хотинлари, фарзандлари тирик бўлишса, ота-оналари ҳам шу ёдгорлик очилиш маросимида иштирок этишадими? Улар ўз жигарлари исмини рўйхатдан топмай, қай аҳволга тушишар экан? Шунини ўйлаб кўрдингларми?» — дедик.

— «Нима қилайлик, рухсат этишмади!»

— Борди-ю «бедарак» кетиб, номи шу рўйхатга кирмаганларнинг бири — Сизнинг акангиз, отангиз ёки бошқа қариндошингиз бўлса, нима қилар эдингиз?

Маҳалла фаоллари лол қолишди. Болалигида бирга чиллак ўйнаб ўсган дўстлари исмини ўз қўллари билан рўйхатдан ўчиришмоқда эди-да!

Маҳаллада ҳайкал очилди. Унда фақат: «Урушда ҳалок бўлганлар хотирасига» ўрнатилган ёдгорликка оддийгина сўзлар ёзилган, холос. Афсуски, улар жасоратини тасвирлашга луғат бойлигимиздан зарур сўзларни излаб ҳам юрмаймиз.

Энг муҳими, улар номлари, жасоратлари билан қалбимизда, хотирамизда мангу қолсинлар!

Уруш — ниҳоятда огир, даҳшатли эди. Буни фронтдагилар ҳам фронт ортида бўлганлар ҳам яхши ҳис этганлар.

Уруш тугаганидан бери 48 йил ўтибди-ки, ҳамон унинг жароҳатини, оқибатини, ҳижронини тортиб келамиз.

Жамиятимизнинг энг азиз кишилари бўлиб қолган жангчи аскарлар марҳум ва бедарак қуролдош дўстлари ҳақида ҳақиқатни айта оладилар. Яна ўн-ийгирма йилдан кейин-чи? Наҳотки фарзандларимиз ҳам «бедарак» боблари изини кидирсалар...

Ёки иккинчи тоифа маълумотларда, аниқроғи, «қора хат»ларда «Қаҳрамонларча ҳалок бўлди» деган ибора бор. Урушда қатнашганларнинг ҳаммасини «қаҳрамон» дея оламиз. Сталинграддан Эльбагача борган ҳам, жангнинг дастлабки дақиқаларида ҳалок бўлганлар ҳам, Берлинни олганлар ҳам, партизанларга овқат ташиганлар ҳам — бариси — Ватанинг қаҳрамон ўғлонлари бўлишган. Фақат ўзбекистонлик 500 мингдан кўпроқ одам уйига қайтмаган. Улар урушнинг тасодиф ва серташвиш вазиятларида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун қурашларда қурбон бўлишган.

Ватан ҳам, ҳозирги авлод ҳам — ўз қаҳрамонлари номини улуғлаш борасида қарздор!

Анвар ТОЖИЕВ.



(БЕДАРАК КЕТГАНЛАР ХОТИРАСИГА)

қайнонам раҳматли. Пайшанба арвоҳлар келадиган кун. Ҳаммаёқни саранжом-сарийшта қилиб, чироқларни эртароқ ёқиб ўтиринг, деб ўргатардилар. Тур, қизим, айвоннинг чирогини ёқиб кел.

Хонага бир зум сукунат чўкди. Рафиқам расм рамкасига кўниб турган капалакка бир-икки қараб қўйди-да, яна гап очди.

— Қайнотам сиздан хафага ўхшайдилар. Узингиз журналист бўла туриб урушда дом-дараксиз кетган шулар ҳақида ҳеч нарсаси ёзмадингиз-а. Газеталарда чиқарсангиз, балки улар билан бирга жанг қилган кишилар топилиб қолармикди. Ёшгина жонлари қаерларда қурбон бўлиб кетганлигини наҳотки ҳеч ким билмаса. Ҳеч ким, ҳеч нарсаси унутилмайди, деб қанчадан-қанча жангчилар ҳақида ёздингиз. Мақолаларингизни ўқиб бир-бирлари билан қайта топишган қуролдошлар ҳам бўлди. Дадамиз ҳам кичик одам бўлмагандилар. Қаранг, погонларидаги юлдузларни. Иккита. Урушгача колхозга раислик қилган эканлар. Жалол раиснинг укаси Фазлиддин Носиров деса ҳамма таниркан. Янги келинлигимда бунини менга раҳматли қайнонам гапириб берган эдилар. Наҳотки шундай одам ном-нишонсиз кетаверса...

Қарасам, Забаржатнинг кўзларида ёш қалқияпти. Юрагига тугиб қўйган гапларини шу капалак баҳона гапириб олди, чамаси. Гаплари тўғри. Бу ҳақда ўзим ҳам ўйлаганман. Лекин ўқиганлар фалончи отасини мактаб ёзибдими, деб киноя қилишдан андишага борган эдим. Бўлмаса, фронтдан йўллаган мактубларида ҳамма гаплар ёзилган эди. Ҳарбий комиссариатлардан келган расмий ҳужжатларда «Лейтенант Носиров Фазлиддин ҳақиқатан ҳам ҳаракатдаги Қизил армиянинг 36581 ва 56361 «А» — ҳарбий қисмларда ўқчи рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида жанг қилаётганлиги тасдиқланган. Кейин у бедарак кетганлиги ҳақида маълумотнома келган.

Отанинг қандай ҳолатда бедарак кетганлигини суриштириб собиқ СССР

— Мен урушга кетаётганимда сен икки ёшга ҳам тўлмаган эдинг, ўғлим, дердилар гўё отам. — Эрта тонгда отланаётсам ичкаридан кўзларингни уқалаб чиқиб қолдинг, эргашиб бироқ хархаша қилдинг. Дарров бағримга босиб юзларингиздан ўлдирдим-да, кечқурун сенга самолёт олиб келаман, деб кўчага отилдим. Ушанда бу эшикдан охириги марта чиқиб кетаётганлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Бироз юриб орқадан онамнинг мунгли йиғисини эшитдим. Қарасам сени бағрига босганича йўл ўртасида менга кўз тикиб турибди. Опанг Ҳуррият эса нималар бўлаётганлигини англай олмай онамнинг пинжига маҳкам тикилиб олган эди. Сизларни кўриб ичимдан бир йиғи келди. Йиғлаганимни кўрманглар, деб юзимни чирт ўғирдим-у йўлимда давом этиб кетдим.

Онанг жуда ҳам бардошли аёл эди. Шунинг учун ҳам сенлардан кўнглим тўқ эди. САКУнинг рабфакани тамомлаганимдан кейин кўп ўтмай мени Паркентга ишга юборишди. У ерда район комсомол кўмитасининг котиби бўлиб ишладим. Кейинчалик хўжалик ишларига ўтдим. Урушдан олдинроқ Тошкент кишлоқ туманидаги Ленин номи колхозга раис бўлиб келган эдим. (Бу колхоз урушдан кейин «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалигига қўшилиб кетган.) Қаёққа борсам, онам ёнимда бўларди. Биргалашиб сув келса симирардик, тош келса кемирардик.

Уша кезларда колхоз раисларини урушга олишмасди. Мен ўзим кўнглим бўлиб кетганман. Акам Назарбекдаги «Иттифоқ» колхозида, мен Юнусободдаги Ленин номи колхозда раис бўлиб юраверсам Ватаним ким химоя қилади, эл-юрт нима дейди, деган андишага борганман. Бир уйдан бир киши Ватан химоясига бориши керак, деб сенларни акамнинг қўлига топширдим-да, ўзим 1942 йилнинг кўзиде фронтга жўнаб кетдим.

— Сенга кечқурун самолёт олиб келаман, деган гапингиз қўлоғимда қолган эканми, кейинроқ уйимизнинг устидан самолёт учиб ўтгудек бўлса

# БОШИМ ЁСТИҚҚА ЕТДИ...

«ОИЖОН, ҳеч кимга ўхшамаган ўзимнинг ойижоним... Туни билан Сизни чорлардим, билмасдингиз. Узок тунлари мириқиб ором олиш ўрнига сизни эслардим. Тарбиячи опам «сизларга тикан кирса, менинг юрагимга санчилгандай бўлади» дейдилар. қандай яхши одамлар бор-а! Сиз ундайлардан ҳам яхшисиз, менинг ўзимнинг ойижоним!

Дадам сизни кўп хафа қилардилар, йиғлатардилар. Мен сизга ачинардим, раҳим келарди. Катта бўлсам сираям хафа қилмайман, ойижон, деганларимни эслайсизми? Бувим сира ёнингизни олмас, қайтанга атайин дадамни сизга қарши тезлаётгандай бўларди. «Ахир ўғлингиз болаларидан узоклашиб, уйдан совуб кетаётганини билмаяпсизми?!» деб бувимга йиғлаганингизда: «Эркак уйда ўтирадими, уни кўчага яратган» деганлари эсимда. Кейин яна бир можародан сўнг «алименти ҳам, уй-жойи ҳам керакмас, болаларим очидан ўлмайди» деб бизларни олиб кетдингиз Шундаям бувим бир оғиз болаларни ташлаб кет, демаганига ҳайронман ёки бизларни шунчалар ёмон кўрармидилар-а?

... Ойижон! Ешим улғайган сари сизни кўп эслайдиган, сизга ачина-

диган бўлиб қолганман... 12 ёшга кираяпман, ҳамма нарсага ақлим етади... Агар 6—7 йиллар аввал бувим, амаким хиёлгина ёнингизни олишганда, сиз балки кетиб қолмасдингиз, бизлар эса болалар уйда меҳрингизга зор яшамасмидик?!

... Дадам бизларни сира сўроқладилар, туғилган кунларимизда йиғлаб-сиқтаб ўзингиз укамга, менга совғалар олиб бердингиз. Бировнинг уйда сиғинидай яшасак ҳам ўзингиз бор эдингиз, ойижон! Бағримиз бутун эди гўё... ОНА билан яшаш қанчалар бахт эканлигини, музқаймоқдан, шоколаддан ҳам ширинлигини укам Сардор ҳам яхши билади...

Кейин ҳаммаси бошқача бўлиб кетди. Бизларни уйи, машинаси бор «янги дада»никига олиб келдингиз. Тўғри, синглимиз туғилгунгача яхши эдингиз, аммо «янги дада» бизларни ёмон кўришини билардим... Сиз ҳам ўзгариб кетдингиз, кийимларингиз кўпайди, тилло узуклар олдингиз, бизларни эса... аввалгидай силаб-сийпа-ламадингиз. Энг ёмони «етимча, етти кулчалар, бошимга битган бало бўлдинглар», дея кўп уришадиган, урадиган бўлдингиз. Ўшанда биринчи марта ёмон бўлсам ўзимнинг дадам ҳақида ўйладим...

«Собиржон, ўзим тез-тез келиб турман, бу ерда сенларга яхши қарашади», деб бизларни болалар уйига ташлаб кетдингиз... Шу кетганча бирон мартаям қайтиб келмадингиз, ойижон! Сизни қанчалар кутганимизни, сизни соғиниб кечалари ухлаймай чикканларимизни билмайсиз?! Наҳотки тушларингизга кирмасак, ойижоним... Барибир сизни яхши кўраман! Укам ҳам яхши кўради, ҳозир катта бўлиб кетган, агар кўрсангиз қанчалар суюнардигиз... Ахир сизда гуноҳ йўқ, ойижон! Сиз «янги дада» олишга мажбур бўлдингиз-да, чунки уйимиз йўқ эди-ку...

Мен бетобман ҳозир. Бир неча кундан бери тарбиячи опам ёнимдан жилмайди. У кўнглимни кўтаради-ю, юзини четга буриб йиғлаб олади. Мен эсам уйқумда сизни соғиниб чакрармишман... Негадир бошим тез-тез оғрийдиган, холсизланиб қоладиган бўлиб қолдим... Докторимиз сираям сиқилмагин, ҳеч нарсаи ўйламагин, дейдилар. Нима шям улардим, фақат сизни ўйлайман, соғинаман... Худди кириб келаётгандайсиз, аввалгидай «сенларни бир катта қилайки, даданг армонда қолсин», деб... Ҳозир бошим ёстикда-ю хаёлим сизда, деразадан, эшикдан нигоҳимни узолмайман... Назаримда ҳозир келиб қоладигандайсиз.

Ойижоним, ўзимнинг ойижоним, келинг, майли бизларни уйингизга олиб кетмасангиз ҳам фақат бир мартагина кўрай... Соғинчдан касал бўлсам, сизни кўриб севинганимдан тузалиб кетарман, ойижоним...

Собиржоннинг тилидан Норинисо ҚОСИМОВА ёзиб олди.



Ойим айтдилар, бу йил мактабга борарканман.

А. Мамадаминов олган сурат.

АЁЛНИНГ бурчга айланиб кетган вазифалари жуда кўп. Унинг бешик тебратиб ала айтишидан тортиб супур-сидиру, қозон бошидаги куймаланишигача, эрининг уст-бошини дазмоллаб, бола-чакаларининг хархашасини кўтаришигача, кўрпа-тўшак қавиб, пайпоқ ямашигача «аёл юмуши» деб ўрганиб кетганмиз. Муҳими бу ишларни унинг ўзи ҳам яйраб, беминнат бажаради. Мана шу беминнатлик замирида эса муқаддас оила камол топади. Аёлнинг кадру қиммати кўнгишлардан жой топа боради.

Камол топган оила қанақа бўлади ўзи. Юқоридаги бурчга айланиб кетган вазифалар билан ҳам камол топмайдиган оила-чи?! Шу ҳақда ўйладим дегунча ўзим таниган, билган, ҳали у, ҳали бу идорага шикоят кўтариб, эридан, қайнона-қайноласидан меҳр ундириш ниятида кўзида ёш билан юрган бир неча келинчақлар кўз олдимга келади. Йўқ, улар енгил табиат ҳам эмас, бола-чакасининг тирик етим бўлишини ҳам мутлақо исташмайди. Оиламга қайтсам деган улғу бир ният билан юради. Шикоят ёзади. Йиғлайди. Аммо...

«Ўзи яхши кўриб олган эди. Энди эса боласидан бир хабар олай демайди. Фақат мени эмас, ишхонасидаги, аёллар кўмитасидаги, кишлоқ шўроисидаги, суд ва прокуратурадаги одамларни ҳам назари илмайпти. Уларнинг танбеху дашномлари таъсир қилмайпти. Пешонам шўр бўлмаса шундай бетаъсир одамга турмушга чиқаманми?»

Бидиллабгина, ғалати бир қаҳр, ғалати бир нафрат билан меҳр талаб қилиб гапирди келинчақ. «Сиз бир ёзиб чикинг. Бутун республикага шарманда бўлса, зора эси кирса» деган жумлани ҳеч бир қийналишсиз, изтиробсиз сўрайди. Аясининг сумкасидадан бир нималарни олиб ерга ташлаётган кизалоққа қарайман. Кўзлари мунчоқдай, кинриклари қора, узун-узун. Патила сочиға таққан лентаси ўзига бирам ярашган... Унинг «эси қирмаётган» дадасини хаёлан кўз олдимга келтираман.

— Қизча дадасига ўхшайдими?  
— Қуйиб қўйгандай. Мана никоҳдаги сувратимизни бир кўринг.

Сувратга қараб туриб келинчақ шикоят қилиб келган «гап қор қилмас» йигит мутлақо бошқа, сувратдаги дўпписи ўзига ярашиб турган, ўктаги, нигоҳларидан андишалигина кўринган йигит мутлақо бошқадай ту-

юлади менга. Келинчақдан сўрайман: — Ажрашиб кетаётганингизда жуда каттик уришганмидиларинг? Урармиди?

— Фақат қайнонам билан уришганман. Бу бўлса онасининг гапидан чиқолмайди. Уйга кетиб қолганимда ишда эди. Бир марта нега кетдингиз деб хабар олмади-я. Ишхонасига шикоят кўтариб борганимда кўрди кизини.

Келинчақнинг илтимоси бўйича мен ҳам бордим у яшайдиган кишлоққа. Ҳақиқатан ҳам кишлоқ шўросида ҳам, аёллар кўмитасида ҳам, туман хокимлигида ҳам уни жуда осон танишди. Бир неча бор кел-

«Унга бўлган меҳримни ҳам ҳалиги хатоларим кўмиб қўйди шекилли».

Едимга яна шоиранинг гапи урилади: «Гурурини синдирган одамни кечирмайди».

«Нафақа тўлаб турибман. Яна нима талаб қиляпти. Айтинг, қўлимдан бирга яшашдан бошқа нарсаи келтиришга ҳаракат қиламан. Лекин бирга яшолмайман. Мен ҳам йигит кишиман. Менинг ҳам дўсту жўраларим бор. Уйдаги аёл энг яқин дўст бўлиши керак. Дўст дегани сенинг шармандалигингдан манфаат изламайди».

«Ахир у оилани тиклаш умидида

## КЎНГИЛНИНГ ҲИММАТИ

### ЁКИ БИР ШИКОЯТ ТЕКШИРУВИДАН КЕЙИНГИ УЙЛАР

ганини, анча-мунча саъй-ҳаракатлар билан, танбеху дашномлар билан ҳам бу оила негадир тикланмаганини айтишди.

Мен яна сувратдаги куёв болани эсламан. Унинг ювошгина кўринган чехрасини кўз олдимга келтириб шунчалик қайсарлик сабабларини изламоқчи бўламан. Таниш бир шоиранинг: «Ўзбекнинг йигитлари мард бўлади, чапани бўлади. Аммо эл ичра гурурини синдирган, бошини эгдирган одамни ҳеч қачон кечирмайди» деган сўзлари ёдимга урилади. «Ўжар» куёв билан суҳбатлашаман:

«Қарийиб бир йилдан буён фақат идораларда жавоб бераман. Муҳокамаларда бош эгиб ўтираман. Навбат республика газетасига келибди, мана».

«Ўтган ишларда ўз айбингизни, хатоингизни биласизми?»

«Ҳа, айбим ҳам, хатоим ҳам шу... уйланганим. Сени эл ичра шарманда қилувчи аёл билан бир йил яшаганим».

«Қизчангиз бор экан. Бирам ширин...»

шундай қилди, ука».

«Опа, уйланганман. Айтишгандир. Лекин уйланмаган бўлганимда ҳам ярашмасдим. Ҳозирги хотиним уйимга келгандан буён идораларда мен ҳақорат эшитаман. Муҳокамада бўламан. Ёмон сифатларга тиркаламан. Лекин бирон марта шуни юзимга солмади. Ишонч дегани шундай вазиятларда туғилмайди? Дўст дегани ёмон кунда ташлаб кетмайди. Ҳали айтдимку, никоҳдаги аёлинг энг яқин дўстинг, ахир». Мен шунчалек ёмон эканман, нега энди у мен билан яшаш учун ҳаракат қилади».

Идораларнинг кучи нафақа ундиришу кизча учун алоҳида моддий ёрдам бериб туришга келишига етди, холос. Кўнгилинг тубидаги аллақачон кул босиб қолган чўғни қайта аланга олдиришга идораларнинг қурби етмади, етмайди ҳам. Қасбим тақозоси, аёллар кўмитасига аъзолигим туфайли синчи кулаган бундай одамлар можаросига кўп гувоҳ бўлганман. Гоҳ марказда, гоҳ чекка кишлоқда. Лекин бир ҳақиқатни айтмай, кўп ҳолларда шикоятчи аёл, айниқса эрини жамоасида, дўсту жў-

ралари олдида обрўсини тўккан аёл барибир оиласини тиклай олмаган. Арзимаган нарса учун обрў тўкишлар кўнгилдаги йилт этган чўкка кул сепишдан бошқа нарсага ярамаган. Кўнгил дегани шунчалар нозик...

Андижон шаҳридаги бир оилани билламан. Оила бузилиб қонуний никоҳ ҳам бекор қилинган. Орада йигит уйланган ҳам. Лекин барибир у ўз биринчи оиласига қайтган. Тавба-тазарру билан кизчасини, хотинини уйга олиб кетган, қайта никоҳдан ўтган. Ҳозир уларнинг беш фарзанди, бир неча набираси бор.

Ўша оиланинг бекаси — Оиста опа билан суҳбатлашиб қолдим.

— Йўқ, бирор марта ҳам шикоят қилмадим. Биласизми, — деди у, — менда ҳам гурур бор эди. Хотин қилмаепти мени деб шикоят кўтариб юришга орим келган. Назаримда азалаздан бундай сўров йигитларга ярашган. Ахир биринчи бўлиб совчини ҳам йигит тараф қўяди-ку. Такдирга тан бериб ишлаб юраверганман. Акангизнинг кейин айтиб беришича, мана шу феълим унга анча таъсир қилган экан.

Оила бўлганидан кейин майда-чуйда жанжал, можаролар бўлиб туриши табиий. Мен бу фикрларим билан аёл ҳар қандай ҳолатда ҳам индамаслиги керак. Эркаклар кўнгилга тусанган эркакликни қилса ҳам жим юриш шарт демокчи эмасман. Аввало Одам Ато авлодларига нисоф берсин. Улар аёл кўнгилининг нафислигини, нозиккина жуссасидаги бурчларнинг ҳаддан ташқари кўнгилини, бир жонини боласига ҳам, эрига ҳам, давлат ишига ҳам тенг фидо қила олишини, бу фидоиликлар учун аёлга жиндақкина меҳр, эътибор бериш зарурлигини унутмасинлар. Лекин оиланинг камол топиши учун ўша нозиккина жуссали, нафисгина аёлнинг заковати, кечиримлилиги, аёлга хос нози, мағрурлиги жуда зарур экан. Ўша кенг елкали, салобатли, ўктам эркаклар ҳам нафис жуссанинг сабру бардошига суянган келса не ажаб. Мана шу нозиккина жуссани ўзига чин дўст атаб, ҳаётда унинг ёмонини яшириб, яхшисини ошириб яшашига, муносиб эрни пир тутга олишига ишониб яшашни истаса не ажаб. Шундай эмасми?!

Замира РҶЗИЕВА.



## ИЮЛЬ

## 26 ДУШАНБА

## УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 «Бугун...» Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Болалар учун фильм. «Жодугарлик ва сехргарлик».  
19.25 Эълонлар.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
19.50 Эълонлар.  
19.55 «Тошкентга марҳамат». Телефильм.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Танбур ва дутор тароналари.  
20.55 Эълонлар.  
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.30 «Ислохот ҳақида суҳбатлар».  
21.40 Гулбахор Эркуллова куй-

лайди.  
23.40 ЎзТВ хазинасидан. Телевизион театр. Абдулла Орипов. «Ранжом».

## УзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум» (так-рор).  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
19.50 «Ҳамшира-93».  
20.20 «Билиб кўйган яхши».  
20.40 «Оқшом учрашувлари».  
21.20 «Тўрғай». Бадий фильм.  
22.45 Хужжатли фильм.  
● «ОРБИТА IV»  
5.00 «Яқунлар».  
5.45 «Тонг».  
8.00 Янгилар.  
8.20 «Тингланг, томоша қилинг...»  
8.40 Г. Габбе. «Аскар ва илон». Болалар учун телеспектакль.  
10.00 «Инсон ва қонун».  
10.30 «Гол».  
11.00 Янгилар.

17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Тарих васияти — бирлашиш кўрсатувини таништилади».

17.40 «Телеёдномалар».  
18.05 «Гол».  
18.35 «Ҳафтанинг акс садоси».  
19.10 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 16-серия.  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
19.55 Эълонлар.  
20.00 Янгилар.  
20.25 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 17-серия.  
20.55 «Енгилар». Телевизион хужжатли фильм премьераси. 21.50 «Спорт уик-энди».  
«Янги студия» таништилади:  
22.05 «Бомонд».  
22.35 «ТВ-Х».  
22.50 «Мен».  
23.35 «Вибор-2000».

## РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
7.30 Ишбилармон кишилар даври.  
8.00 Тонгги концерт.  
8.15 «Бола тилидан».  
8.45 «Муסיкий кашфиёт». Композитор С. А. Дегтярев.  
9.35 «Шарман-шоу».  
10.55 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Июлда ёққан ёмғир» (1966 й.).  
12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.05 Кундузги сеанс. «Менинг ўлимимда Клава К ни айблашингизни сўрайман». Бадий фильм.  
14.20 «Американинг ёввойи табиати». Кўп серияли телефильм премьераси.  
14.50 Бир санъаткор театри. К. Сомов.

15.10 Янгилар.  
15.30 Ватандошлар. «Татаристон...»  
16.00 «Кутқариш хизмати 911».  
17.00—19.05

## ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништилади. «Малласоч аёл». Бадий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан.  
20.00 «Ҳақиқат онлари». А. Карауло саволларига Г. Явлинский жавоб беради.  
20.55 Спорт кўрсатуви.  
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
21.25 «Би-Би-Си Русияда ва уйда».  
21.55 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Германия гран-приси.

## 27 СЕШАНБА

## УзТВ I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!»  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...»  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Кўшлар олами». Телефильм.  
7.50 Мутахассис маслаҳати.  
8.00 «Эстрада тароналари».  
8.20 «Ўйинқароқ болалар». Мультфильм.  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»  
18.00 «Бугун...» Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Болалар учун. «Кувноклар даврасида».  
18.55 «Ижтимоий муҳофаза — бош вазифаси».  
19.25 Эълонлар.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
19.50 Эълонлар.  
19.55 Дунё воқеалари.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Мумтоз куйлардан концерт.  
20.55 Эълонлар.  
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.30 «Ислохот ҳақида суҳбатлар».

21.40 «Ижод саҳифалари». Сунатулла Анорбоев таваллудининг 70 йиллигига.  
22.40 «Эрта тонг». Бадий фильм.

## УзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништи- ради...» Мультфильмлар тўплами.  
19.20 «Чотқол тизмалари». Телефильм.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
19.50 «Ишбилармонлар».  
20.30 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида).  
21.15 Телефильм.  
21.55 Эълонлар.  
22.00 «Кинонигоҳ».  
● «ОРБИТА IV»  
4.55, 14.20, 17.50, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.  
5.00 Янгилар.  
5.35 Эрталабки гимнастика.  
5.45 «Тонг».  
8.00 Янгилар.  
8.20 Мультфильм.  
8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
9.20 «Олий ҳиссиёт». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 6-серия.  
9.50 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 16 ва 17-сериялар.  
10.50 «Матбуот-экспресс».

11.00 Янгилар.  
Кундузги киноэкспресс:  
11.20 «Ақмал, аждаҳо ва малика». Телевизион бадий фильм.  
12.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.  
13.30 «Москва Кремли бўйлаб саёҳат». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»).

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).  
14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».  
14.40 «Конверсия ва бозор».  
15.10 «Ён дафтар».  
15.15 «Майя араси». Кўп серияли мультфильм.  
Давлатлараро «Останкино» телеканали Беларусь телевидениеси кўрсатувларини намойиш этади.  
15.45 «Қадрон кўшиқ». Болалар муסיкий жамоаларининг концерти.  
16.00 «Ҳокон». Хужжатли фильм.  
16.30 Санъат усталарининг концерти.  
17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).  
17.20 Беларусь Олий Кенгаши-нинг раиси Ст. Шушкевич сўзи.  
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм

премьераси.  
18.45 «Мулқдор алифбоси».  
18.55 «Мавзу».  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
19.55 Эълонлар.  
20.00 Янгилар.  
20.25 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18-серия.  
20.55 1993 йил кўшиқлари.  
22.10 «Брэй-ринг».  
23.00 Янгилар.  
23.40 «Х» программаси.  
00.10 «Олий ҳиссиёт». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 6-серия.  
00.40 «Матбуот-экспресс».

## РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
7.30 Ишбилармон кишилар даври.  
8.00 «Ҳақиқат онлари». А. Караулов саволларига Г. Явлинский жавоб беради.  
\* \* \*  
11.00 Биз севган комедиялар. «Афония». Бадий фильм.  
12.30 Мультфильм.  
12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.05 «К-2» таништилади: «Миллий баскетбол уюшмасидаги бизнинг одам».

14.00 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ қарға».  
14.45 Янгилар.  
15.00 «Рост» студияси. «Муסיкий синф».  
15.30 «Пушкин уйи». 1-кўрсатув.  
15.55 Ота-оналар учун эртаклар. «Болалик ва етуқлик даври».  
16.25 «Кўхна кинолардаги кўшиқлар».

17.00—19.10

## ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 197-серия.  
20.00 «Динозаврга айланмайлик».  
20.15 Катталар учун мультфильм.  
20.25 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».  
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
21.25 Спорт кўрсатуви.  
21.30 «Россияни қандай қилиб эпакага келтириш мумкин?»  
21.45 «Антреприза». М. Козков.  
22.30 «Славян бозори». II халқаро муסיкий фестивали. Украина миллий куни.

## 28 ЧОРШАНБА

## УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...»  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Ўзбекистон дея аталур». Телефильм.  
7.40 «Халқ ижодиёти».  
8.00 «Дунё воқеалари».  
8.15 «Кувнок болалар».  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»  
9.00 «Республика газеталарининг шарҳи».  
9.10 Турк тили.  
9.40 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Бадий фильм.  
11.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).  
11.25 «Ёшлик» студияси. «Сирдарё университети: бугун ва эртага».  
18.00 «Бугун...» Ахборот кўрсатуви.  
18.10 «Улғайиш погоналари».  
18.45 Таэквандо бўйича жаҳон чемпионати.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
19.50 Эълонлар.  
19.55 «Табол ўймақорлиги». Телефильм.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Андижон шаҳар «Сума-

лак» ракс ансамблининг концерти.  
20.55 Эълонлар.  
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар.  
21.40 «Ёшлик» студияси. «Зиё».  
22.50 «Зомби» варианты. Бадий фильм.

## УзТВ II

18.30 «Кичик саёҳат».  
19.00 «Спринг».  
19.20 «Жиллолар». Телефильм.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
19.50 Ретро концерт.  
20.45 «Ўзбекистон — қадрон юртим. Немислар». Видеофильм (рус тилида).  
21.35 Э. Ростан. «Сирано де Бержерак». Урта Осиё электроаппарат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бадий жамоасининг А. Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрдан ёзиб олинган спектакли.  
23.25 «Қалдирғоч». Телефильм.  
● «ОРБИТА IV»  
5.00 Янгилар.  
5.35 Эрталабки гимнастика.  
5.45 «Тонг».  
8.00 Янгилар.  
8.20 Мультфильм.  
8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
9.20 «Савдо кўприги».  
9.50 «Олий ҳиссиёт». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 7-

серия.  
10.20 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм 18-серия.  
10.50 «Матбуот-экспресс».  
11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс:  
11.20 «Ақмалнинг янги саргузаштлари». Телевизион бадий фильм. 1-серия.  
12.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадий фильм 2-серия.  
13.40 Давлатлараро «Останкино» телеканали. «Россиянинг ташқи сиёсати» кўрсатувини таништилади.  
14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).  
14.25 «Телемикст».  
15.10 «Ён дафтар».  
15.15 «Майя араси». Кўп серияли мультфильм.  
15.40 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 15-кўрсатув.  
16.00 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Қрим ороли» кўрсатувини таништилади.  
16.25 «Клуб 700».  
17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).  
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Пешвоз чикиб» кўрсатувини таништилади.  
18.00 «Оддий Мария» Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.

18.45 «Мулқдор алифбоси».  
19.00 «Рус олами».  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
19.55 Эълонлар.  
20.00 Янгилар.  
20.20 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19-серия.  
20.55 «Миниатюра». Муסיкий кўрсатув.  
21.10 «Ҳам қулдиради, ҳам куйдиради». А. Арканов.  
22.00 «Матбуот-экспресс».  
22.15 «Рок-н-ролл ТВ».  
23.00 Янгилар.  
23.40 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Франция — Россия терма командалари.  
01.35 «Олий ҳиссиёт». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 7-серия.

## РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
7.30 Ишбилармон кишилар даври.  
8.00 Христианлар учун кўрсатув.  
8.30 «Параллеллар».  
8.45 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».  
9.15 «Соло». Композитор О. Каравайчук.  
10.00 «Пушкин уйи». 1-кўрсатув.  
10.25 «Юлдузлар ёғилганда».

11.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 197-серия.  
12.15 «Муסיкий коллекция». О. Шварцберг, У. Делохант дуэти.  
12.35 «Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.00 Кундузги сеанс. «Даниил — князь Галицкий». Бадий фильм.  
14.35 «Австралидаги рус муҳожирлари хузурида».  
15.10 «Бизнес: янги номлар».  
15.30 Янгилар.  
15.45 Трансроссфир. «Узоқ Шарк».  
16.30 «Кўхна кинодаги кўшиқлар».

17.00—19.05

## ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 198-серия.  
19.55 «60 дақиқа». Си-Би-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви.  
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
21.25 «Ксюша хузурида».  
22.00 Спорт кўрсатуви.  
22.05 Криминал хабарлар экрани.  
22.15 «Славян бозори». II халқаро муסיка фестивали. Беларусь миллий куни.

## 29 ПАЙШАНБА

## УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...»  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Ёшлик куйлаганда».  
7.50 «Шифокор маслаҳати».  
8.00 Мультфильм.  
8.10 «Билиб кўйган яхши».  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»

9.00 «Матбуот саҳифаларида» (рус тилида).  
9.10 Араб тили.  
9.40 «Ёшлик» студияси. «Талабалар таътилда».  
10.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).  
10.25 «Самолёт қайтарилди». Бадий фильм.  
\* \* \*  
17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 «Бугун...» Ахборот кўрсатуви.  
18.10 «Ўсемир ва қонун».  
18.40 «Тандир, арча, олов».

Телефильм.  
18.55 «Янги китоблар».  
19.25 Эълонлар.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
19.50 Эълонлар.  
19.55 Телефильм.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Санъат усталарининг концерти.  
20.55 Эълонлар.  
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар.  
21.40 «Мулоҳаза». Театр ва

кино актёрлари муаммолари.  
22.30 «Қушқондан чиққанда». Бадий фильм.

## УзТВ II

18.30 Болалар учун. «Табасум».  
19.05 Спортчилар ҳақида хикоялар.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).  
19.50 «Ургут жиллолари». Телефильм.  
20.00 «Тошкент оқшомлари».

21.30 Эълонлар.  
21.35 «Кинонигоҳ».

## ОРБИТА IV

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.  
5.00 Янгилар.  
5.35 Эрталабки гимнастика.  
5.45 «Тонг».  
8.00 Янгилар.  
8.20 «Домисолька».  
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
9.25 Футбол. Ўртоқлик учрашуви.



Франция — Россия терма командалари. 2-тайм. Франциядан кўрсатилади.

10.15 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 19-серия.

10.50 «Матбуот-экспресс».

11.00 Янгилликлар.

Кундузги киноэкспресс:  
11.20 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

12.30 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

14.25 «Телемикст».

15.10 «Ён дафтар».

15.15 «Майя араси». Кўп се-

рияли мультфильм.

15.40 «440 герц».

16.20 «Сиз бунга кодирсиз».

17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

18.05 «Одий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.

18.55 «Жамоатчилик фикри». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгилликлар.

20.25 «Жамоатчилик фикри» (давоми).

20.40 Телеэкранда биринчи марта. «Футболчи». Бадий фильм.

20.35 «Тадбиркорлик».

22.10 «Палитра».

22.30 «Хамма нарса бўлиши мумкин».

23.00 Янгилликлар.

23.40 «Олам дам олишда».

00.20 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.

7.30 Ишбилармон кишилар даври.

8.00 Тонги концерт.

8.15 «Саховат кўрсат».

9.00 «Иложи топилмайдиган нарса йўк». Халқ табиби В. Кандиба.

9.45 «Муваффақият манбалари». Юлиан куйлайди.

10.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 198-серия.

11.30 Ишдан бўш пайтингизда. «Иш устасидан кўрқади».

11.45 «Дарёгинам — онгим, хиссиётим».

12.10 «Ифтах Худодо, ким ўзи?» Мусаввир, шоир, файласуф.

12.35 «Дехқонларга тааллуқли масала».

13.00 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ қарға».

13.50 «Рус ташриф».

14.25 «Ижица».

15.00 Янгилликлар.

15.15 «Рост» студияси. «Мусликий синф».

15.45 «Ретрони ижро этамиз». Германиядан ўсмирлар биг-бенди.

16.15 Мульт-пульты.

16.25 Трансросэфир. «Доимо бирга».

17.00—19.15

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

19.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 199-серия.

20.05 «Келинг, аниқлаб олайлик».

20.20 Спорт кўрсатуви.

20.25 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

21.25 Криминал хабарлар экрани.

21.35 «Славян бозори». II халқаро мусика фестивалининг ёпилиши.

масала».

13.05 «Дераза».

13.35 Янгилликлар.

13.50 «Рост» студияси. «Биз мультфильмларнинг расмини чизамиз». 1-қисм.

14.20 Жума кунлари Дисней. «Охирги электрон рицарь». Бадий фильм.

15.10 «Атом хавфига қарши». 1-кўрсатув. «Янги заминга». Хужжатли фильм.

15.55 «Телебиржа».

16.25 «Франция. Кўшиқ».

17.00—19.00

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

19.00 «К-2» таништиради: «Абзац».

20.00 «Депеш мод-93».

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

21.25 Спорт кўрсатуви.

21.35 Гранд репортаж. «Улар қандай: Янги руслар».

22.05 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадий фильм.

23.35 «Каунтдаун». Оммабоб куйлар янгилликлари.

20.25 «Хафтанинг машхур киши».

20.40 «Детективлар клуби»да. «Суини». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.

21.40 «Матбуот-экспресс».

21.55 «Максима».

● «ВИД» таништиради:

22.25 «Авто-шоу».

22.45 «Обоз» майдончаси» («Браво» гурухи).

● «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.

7.30 Ишбилармон кишилар даври.

8.00 «Минора».

8.15 «Параллеллар».

8.30 «Сиз яратган бог».

9.00 «Хайвонот оламида».

10.00 Мульт-пульты.

10.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 199-серия.

11.00 Буржлар туркумидан.

11.55 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ қарға».

12.40 «Дехқонларга тааллуқли

9.10 Баскетбол шархи.

9.40 «Пигмалион».

10.10 Юбилей фильмлар жавонидан. В. Борисовнинг «Давр ва Конвей оиласи» бадий фильми.

11.35 «Тилла шпора».

12.10 «Қандай яшаймиз?»

12.55 «Дехқонларга тааллуқли масала».

13.15—15.00

● «УЗБЕКИСТОН»

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

15.00 «Чегарасиз футбол».

16.00 «Михаил Таничининг «Олтин диски».

17.00 Телефильм.

17.20—19.30

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

19.30 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».

20.00 «Мутлақо махфий».

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

21.25 Спорт кўрсатуви.

21.30 Телеэкранда — премьераси. «Ўлим зонаси». Бадий фильм (АҚШ).

23.00 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Ярим финал.

10.35 Кундузги сеанс. «Яккаю ёлғизим». Бадий фильм.

12.15—15.30

● «УЗБЕКИСТОН»

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

15.40 «Бу кўхна ленталар». Оперетта артисти А. Орлов.

16.10 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни Пухнинг янги саргузаштлари». «Қора плащ».

17.00—19.20

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

19.20 «Си-Би-Эс кинотеатри. «Сирли гувоҳ». Бадий фильм (АҚШ).

20.40 «Владимир Познер Америкаси».

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

21.25 Спорт кўрсатуви.

21.35 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви.

22.00 Тунги дискотека.

23.00 «А» программаси.

жамаси билан).

18.05 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари».

«Ҳақиқий ажина оловчилар».

19.00 Телеэкранда биринчи марта. «Тимсох Данди-2». Бадий фильм (Австралия).

20.55 Эълонлар.

21.00 «Якулар».

21.50 «Ялта-Москва-Транзит-93». Эстрада кўшиқлари ижрочиларининг VIII телевизион танлови.

«Олимпия» спорт комплексидан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.25 «Хайрли тонг!»

7.55 «Искандар». Хужжатли фильм премьераси.

8.25 «Фольклор».

8.55 «Рост» студияси. «Биз мультфильмлар расмини чизамиз». 2-қисм.

9.25 «03» кўрсатуви.

9.55 Мульт-пульты.

10.05 «Ати-бати...»

18.55 «Футбол майдонларида».

19.25 Эълонлар.

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.50 Эълонлар.

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.50 Эълонлар.

19.55 «Дунё воқеалари».

20.10 Окшом эртақлари.

20.25 Манзарали фильм.

20.35 «Тадбиркорлик».

20.55 Эълонлар.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар.

21.40 «Еднома». Абдулла Авлоний.

22.30 Ўзбекистон халқ ҳофиз Одилжон Юсупов куйлайди.

● «УЗТВ II»

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгилликлар.

5.35 Эрталабки гимнастика.

5.45 «Тонг».

8.00 Янгилликлар.

8.20 Эртақ хузурида меҳмонда. «Моара» («Тегирмон»). Телеви-

зион бадий фильм.

9.40 Опа-сингил Литвиненколар куйлайди.

10.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

10.50 «Матбуот-экспресс».

11.00 Янгилликлар.

14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

14.25 «Бридж».

14.50 «Бизнес-класс».

15.05 «Майя араси». Кўп серияли мультфильм.

15.30 «Хайвонот оламида». Режиссёр А. Згуриди фильмлари. «Қора тоғ».

16.50 «Технодром».

17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали МДХнинг «Молиявий соғломлаштириш бўладини?» кўрсатуви таништиради.

17.45 «Инсон ва қонун».

18.15 «Вагон 03».

18.45 «Мўъжизалар майдони».

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгилликлар.

9.00 «Экстро-НУЖ».

9.30 Экологик кўрсатув.

9.45 «Шанба кунги дастхат».

10.15 «Тиббиёт ҳамма учун».

10.55 «Бургут рамзи билан». Россия орденининг таъсис этилиши ҳақида.

11.25 «Ҳокимият сиймоси».

11.40 «Шеърят альбом».

12.00 «Эпкини ёзувлар ёки Соня билан Американи излаб саёҳат».

12.25 «Спорт ва санъат».

13.25 «Мана шунақа кино...» В. Ежов. Ёзувчи ва драматург. 2-кўрсатув.

14.00 Янгилликлар.

14.25 «Швейцариянинг қалби — Люцерн». Телефильм премьераси.

15.30 «Шаҳзода ва Сув париси». Кўп серияли мультфильм премьераси.

16.20 «Марказий экспресс». Европа тележурнали.

16.50 «Мен сизни севардим». А. С. Пушкин.

17.20 «Пул ва сиёсат».

17.50 «Қойилмақом еттовлон».

18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Хьюстон рицарлари». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгилликлар.

20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Зангори ва кулранг». Телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.

21.10 «Резонанс» студияси таништиради. «Канкан».

21.30 «Серпантин». Кўрсатувни М. Захаров олиб боради.

22.25 «Ультраси». Спорт кўрсатуви. Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Трамплин. I м. Эркақлар. Англиядан кўрсатилади.

23.00 Янгилликлар.

23.35 «Дартленд» операцияси давом этади...»

24.00 Телеэкранда биринчи марта. «Комендантли соати». Бадий фильм (АҚШ).

01.35 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»



## Ҳангомагар

### Ҳаммаси ўз одамлари

Бир киши таниши билан суҳбатлашиб ўтириб, деди:

— Бошлиғимиз жуда ғалати одамда. У ишхонасиниям ўз уйидай билди. Гоҳ диванга ёнбошлаб газета ўқийди, гоҳ бемалол хуррак отади. Баъзан латифавозлик қилиб қийқиради, бақириб-чақириб қолади.

— Кизиқ, одамлар индашмайдами?

— Э, нимасини айтасиз, ишлайдиганларнинг бири акаси, бири укаси, бири аммасининг невараси, бири холасининг чевараси. Буларнинг ичида битта бегона мен, холос!..

### Эри иқрор бўлди

Хотин эрига деди:

— Ростин гап, аҳмоқларнинг аҳмоғи экансиз!

— Тўғри айтасан, — мийғида кулди эри. — Чинданам аҳмоқман. Ақли бўлганимда сенга уйланармидим, хотин!

### Ишга кечикиш сабаби

Ишга кечикиб келган ходимдан бошлиқ қизиқсиниб сўради:

— Бу қанақаси, ишга кечикиб келишингизнинг бирон сабаби борми?

— Бор, — деди ходим қизаринқираб. — Кечикишимнинг сабаби шуки, мен ота бўлишга тайёрландим...

— Ажабо! Ундай бўлса табриклаш керак. Ҳўш, бундай қувончли воқеа қачон содир бўлди?

— Ҳали содир бўлгани йўқ. Яна тўққиз ой-ю, тўққиз кундан кейин содир бўлса ажабмас!..

### СОКОВ ЭМАС ЭКАН


Онаси унаштирган қиз билан учрашувга чиққан йигит уйга бир аҳволда кириб келиб деди:

— Ойижон, унаштирган кизингизнинг кўзлари аланг-жалаң, худди алвастига ўхшайди-ку. Ундан ташқари соков ҳам бўлса керак.

— Ўзингни бос, тўй бўлмайди, хозиргина телефон бўлди. Йигит менга макбул эмас, деб киз рози бўлмабди.

— Демак, соков эмас экан-да?

### ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Шакл атрофи бўйича: 1. Сувсевар дон экини. 2. Электр зарядли зарра. 3. Ўйиб ёки бўёқ билан ишланган гул, безак. 4. Тошлоқ ер ва экин майдонларида говлаб ўсади-

### АНТИҚА КЎРГАЗМА

● ЖЕНЕВАДА яқинда бўлиб ўтган иختиролар кўргазмасида 33 мамлакатдан 640 вакил иштирок этди.

Барча нарса ихтиро қилиб бўлинганда нимани ҳам кўриш мумкин бу ерда деб ўйларсиз. Лекин бу ердаги ихтироларни кўрсангиз, юкоридаги фикр нотўғрилигини билиб olasиз.

Масалан, италияликлар узокдан бошқариладиган автомат домкрат яратишган бўлса, хитойликлар ўз-ўзидан ёйиладиган ва тахланадиган брезентни намойиш этишган. Ундан буюмларни ўрашда ускуналарни ёмғирдан асрашда, чодир ўрнида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Инглизлар эса пашша ва ўргимчаклар учун қопқон ясаган. Швейцариялик муҳандислар ҳомилани аниқлайдиган худди термометрга ўхшаш асбобни кўргазмага олиб келишган.

### ҲИКМАТЛАР

1. Яхшининг ҳам, оз бўлса-да ёмоннинг ҳам ҳаётда ўз ўрни бор. Уларни бир-бирисиз англаш қийин.
2. Амални инсон қўлининг кири дейилади, аммо инсон амал қўлидаги кирга айланиб қолмаслиги керак.
3. Аслида амал кишиларга яхшилиқ қилиш учун берилган катта имконият, акси бўлсачи — ёмон.
4. Чақимчини йфлос нарса устидан ўрмалаб ўтган ҳашарот деса бўлади, чунки қаерга ўрмаламасин — яхши из қолдирмайди.
5. Яхшидан ҳам, ёмондан ҳам ўз аксингни топишни ўрган, шундагина ҳаётда адашмайсан.
6. Бошинга тушган жумбоқ қалитсиз қулфга ўхшайди, аслида унинг қалити ўзингда, уни излаб топа бил.
7. Қиздан келадиган раҳмат ҳам, лаънат энг аввало онага келади.
8. Ўзганинг ҳақини яшириб ейиш худони гувоҳ қилиб қарз олишга ўхшайди, қарзни қайтариб берилишини эса худо ўз зиммасига олади.

Абдуғаффор ҲАЛИЛОВ,  
Фарғона вилояти, Бағдод райони.

### ОЛТИН КИТОБ

ШРИ Ланканинг қадимий пойтахти Анурадханурда қазилари олиб бораётган мутахассислар «олтин»

китоб топиб олишди. Унинг етти саҳифаси соф олтиндан қуйилган.

Мутахассисларнинг фикрича, китоб бундан 1400 йил муқаддам пайдо бўлган экан.

ган ёввойи ўт. 5. Инсоннинг билиш, фикр юритиш қобилияти. 6. «Жигули» энгил автомашинасининг, алоҳида тури номи. 7. Ҳиндистоннинг Жамна дарёси бўйидаги шаҳар. 8. Ўрта аср шаҳарлари марказидаги қароргоҳ. 9. Табиий фанлардан бири. 10. Заргарликда ишлатиладиган қимматбаҳо тош. 11. Иккига бўлинмайдиган бутун сон, рақам. 12. Ёруғлик ва иссиқлик манбаи, коинот жисми.

Энига: 16. Куй оҳанги ва шунга мос бўлган «Шашмақом» рақс куйларининг номи. 18. Шамсия йили ҳисобидаги ой номи. 19. Уфқ ортидаги кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг ҳавода акс этишидан иборат ҳодиса. 20. Коинот жисми. 21. Ранг тури. 22. Тоза оқ пахта. 24. Миллий чавандозлик мусохабаси. 25. Вулқондан отилиб чиқадиган, эриган тоғ жинси.

Бўйига: 13. Ҳинди-хитой ярим оролидаги давлат. 14. Иш жонивори. 15. Асосан Фарбий Осиё ва Шимолий Африка мамлакатларида яшовчи миллат. 17. Бинонинг олди томонидаги безатилган кўркам қисми. 18. Дарё бўйи. 22. Тикув машинасининг ипни бериб турадиган қисми. 23. Ҳашаматли сарой. 26. Сайёра, она замин.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

### Газетамизнинг 28 сонидан эълон қилинган ТОПҚИРЛИК МАШҚИнинг жавоби

Энига: 5. Жануб. 6. Майиз. 10. Чакана. 11. Гардиш. 12. Майна. 13. Малака. 15. Райхон. 17. Шайбонийхон. 20. Кавказ. 23. Арафот. 25. Анҳор. 26. Чортоқ. 27. Саноат. 28. Бобур. 29. Колба.

Бўйига: 1. Калава. 2. Курама. 3. Парвардигор. 4. Қибрай. 7. Ҳакам. 8. Шайхонтохур. 9. Симоб. 14. Куйка. 16. Архар. 18. Қанор. 19. Тоқат. 22. Заққум. 23. Арелон. 24. Аннаба.



Гиламларни ўзингиз тўқиганмисиз, эгачи?  
М. БОЛТАБОВЕВ олган сурат.

### ВЕЛОСИПЕД МУЗЕЙИ

ШЯУЛЯЙ шаҳрида яшовчи аҳолининг ҳар уч кишидан бири велосипед минади. Улар велосипеддан транспорт сифатидагина эмас, ҳатто оммавий мусобақалар, пойгалар, намойишлар, кўргазмалар ўтказишда ҳам фойдаланишади. Велосипед миниш саломатлик учун ҳам фойдалидир.

Бу шаҳарда велосипед музейи ҳам бор. Унда турли йилларда кашф этилган ва турли шаклдаги 70 дан ортиқ велосипед намойиш этилади.

### УЙ ФУТБОЛ МУЗЕЙИ

МАДРИДДАГИ ресторандан бирида официант бўлиб ишловчи Сальвадор Перес ўн йилдан буён «жаҳон футбол тарихи музейи» учун материаллар йиғди. Музейга ўн мингларча экспонат қўйилган. Улар орасида газета ва журналлардан олинган қийқимлар, футбол ўйини жадваллари, почта маркалари, китоблар, фотосуратлар, отриткалар, футбол усталарининг дастхталари, спорт формалари бор. Футбол ёдгорликлари 1904 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади.

### ГЕОЛОГ «РОБОТ»

ЯПОНИЯДАГИ фирмалардан бирининг мутахассислари сувости геолог роботини ишлаб чиқишди. У денгиз ва океанлар остидан лой қатламларини кўчириб олишга мўлжалланган. Саккиз оёқли тўрт тарафга юра оладиган қисқичбақага ўхшаш мазкур мослама олти минг метр чуқурликда ҳам ишлай олади.

У видеокамера билан жиҳозланган, оғирлиги атиги 10 килограмм холос, ҳажми 60×40×45 сантиметрдан иборат. Робот зангламайдиган ва мустақам алюмин куймасидан тайёрланган.

Абдуқаҳор ШУКУРОВ  
тайёрлаган.



## ҚУВНАБ, ЯЙРАБ

Саратон кунда соя-салқин масканда ҳордик чиқарганга нима етсин. Наманган вилоятининг Чортоқ туманида жойлашган «Шодлик» болалар оромгоҳи хушманзаралиги билан барчага манзур бўлаётир. 360 ўринли бу оромгоҳга вилоят агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси хомийлик қилади. Унда болаларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Гепатит, сурнкали гастрит, ревматизм каби касалликлар билан оғ-

риган болаларга тегишли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Замонавий физиотерапия аппаратларидан фойдаланган ҳолда уларнинг саломатлиги қайта тикланиаяпти.

Болаларнинг марокли ва мазмунли, қувнаб-ййраб ҳордик олаётганидан ота-оналар беҳад мамнун.

**С. ТОШПУЛАТОВ.**

Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.



# ШОДЛИК

## БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ

Воситачилик, ахборот, ташқи иқтисодий, савдо-харид, тижорат хизмати кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланади.

Мустақил ҳамдўстлик давлатлари билан доимий алоқададир.

Сиз билан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёрмиз!

**Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар,  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй**

Телефон: 45-78-42  
45-72-63.

**Ишонч**

БОШ МУҲАРРИР  
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир муовини),  
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,  
Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ,  
Турғунбой МАДИЕРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Абдурасул РЎЗМАТОВ,  
Саминжон СУЛТОНОВ  
(вилоят муҳбири),  
Мухайё ТЎЛАГАНОВА,  
Шабот ХЎЖАЕВ,  
Санобар ХЎЖАЕВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

### БЎЛИМЛАР

- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

### ВИЛОЯТЛАРДАГИ

#### МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Навоийда — 3-52-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-64-22;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-95;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

● Мухарририятга келган кўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



- Сотувдаги нархи 25 сўм.
- ШАНБА кунлари чиқади.
- БОСИШГА 23 июлда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:  
**Турғун НАЗАРОВ,**  
**Санъат МАҲМУДОВА**  
● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 58.260 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.